

**ХАЙИТБОЙ АБДУСОДИҚ**

**Аслим, АСЛим  
ЖЎЖА ЭЛИ**

**НУКУС  
«ҚАРАҚАЛПАҚСТАН»  
2005**


63.3(54)

ХАЙИТБОЙ АБДУСОДИК «Аслим, АСлим ХЎЖА ЭЛИ», — Нукус,  
«Қарақалпақстан» нашриёти, 2005-йил, 36 бет.

Китобчанинг нашр килинишида моддий ёрдам кўрсатган, бир пайтлар  
куча чангитиб ўйнаб ўсган дўстимиз, асли эски Хўжайлининг Қосиб овули-  
дан бўлган, бугунги кунда йирик тадбиркор КОМИЛЖОН ЖАББОРОВга  
чуқур миннатдорчилик билдираман.

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир *Гулистон МАТЕҶУБОВА*

W 31212  
081.



X  $\frac{1203020100}{M-57-(04)-04}$  Б — 2004

ISBN 8272-0282-7

© «Қарақалпақстан» нашриёти, 2005

## ТАРИХ ТАҚДИРИМИЗДИР (Сўзбоши ўрнида)

Бу қурран-заминда нима яратилибдики, ҳаммасида улўф ҳикмат, катта моҳият сирли тарих мужассам. Баъзан йўл ёқасида энди бўй тиклаётган ниҳол ёки бақувват танасини безаб турган шохалари билан осмон сари интилаётган баҳайбат дарахт ёнидан бепарво ўтиб кетамиз. Баъзан қаергадир шошилаемиз-у, оёғимиз остидаги йўл, йўл устидаги тошга безътибор бўлаемиз. Ён-атрофимиздаги эски ва янги бинолар, ёнимиздаги анҳорда оқаётган сув, бугдой экилган далага ёпирилган коп-қора майна қушлар галаси...

Ҳолбуки, энди барг чиқараётган ниҳолни кимдир эккан. У ким, қачон уни экди, ниҳол аввал қаерда эди... Баҳайбат дарахт экилганига неча йил бўлдиёкан? Уни эккан киши қаерда экан? Бу дарахтнинг келиб чиқиши қаердан бошланган экан? Бу ерларда 100 ёки 1000 йил олдин ҳам йўл бўлди-микан. Бўлса ундан кимлар ўтди экан? Улар қандай яшади эканлар? Улар ҳам йўлга тош тўшаши билдимиканлар, ва ҳақоза.

Одам, сал фикр юритса унинг бу дунёда инсон бўлиб туғилишида олам-олам ҳикмат мужассам эканлиги маълум бўлади. Бу ҳикматларни эса инсоннинг ўзи яратади, тарихни ҳам инсон яратади. Агар бу заминда инсон бўлмаганда, тарих, узоқ ва яқин қушлар, тақдир тўғрисида тушунчанинг ўзи бўлмас эди.

Шу нуқтаи-назардан Ҳайитбой Абдусодиқ катта илмий асослар, фан тадқиқотларидан ҳоли ҳолда ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган ота-макони тўғрисидаги ушбу рисолада меҳр билан самимий сўз юритади. У истеъдодли шоир, қузатувчан ва тиниб-тинчимас журналист сифатида кўпчиликка таниш. Унинг ўзига, ён-атрофидагиларига, дўстларига саволи ҳам, уқтирмақчи бўлган фикрлари ҳам бисёр. Шу сабаб ҳам у ушбу рисолада йирик тарихчи олимлар диққатини тортадиган қадим ва сирли тарих тўғрисида ахборот берапти.

Ўзи туғилиб ўсган юртини ҳамма севади. Лекин бу меҳрнинг даражаси қанча? Биров ўзи яшайётган маконнинг номини билиш билан қифояланса, яна биров шу ерда яшайдиганларни санаб айта олади, яна биров содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, тўй-маъракаларни иқир-чиқиргача таърифлаши мумкин.

Ҳайитбой булардан мустасно. Уни туғилган еридаги ҳамма нарса, ҳамма одамлар қизиқтиради. Уни неча юз минг йиллар, биз билган ва билмаган, сарғайган тарих саҳифалари ўзига тартади. Икки уч минг йиллар салнома-сига кўз ташлайди. Бутун туркий қавмлар, улар эгаллаган рўйи-замин, уларнинг урпоқларидан қолган. Она Ватан деб номланган бой мерос, шу мероснинг Ҳайитбойнинг назарида жуда катта бир бўлаги бўлган Ҳўжайлининг узоқ ва яқин ўтмиши авлодлари, ажлодлари тўғрисида билгиси келади. Ўз ўрганганлари ва англаганларини Сиз билан ўртоқлашди. Ўз тафакқурини янада бойитишга интилади.

Мен «Дарёга ботаётган қуёш» достонида

**«Олам сирларини билишга шошиб,  
Яшаган аждодлар ўзлари сирдир.  
Олам сирларидан ақли адашиб  
Тупрокда яширин тилсим тақдирдир.**

**Орифлар суҳбати ечилган тутун,  
Излаб топганларинг кўзларингга сурт.  
Кўкда булут бўлса, кўксингга тутун,  
Азиздир кўзларга тўтиё бу юрт,**

деб ёзган эдим.

Мен ишонаманки, Ҳайитбой ўзи туғилиб ўсган замин тупроғини кузларига тўтиё, ўтган ва келадиган кунларини қалби ва тафаккуринга зиё, инсонларини узига дўст ва биродар, ўтган аждодларини томирида қон, юрагида жон қадар ардоқлаб, ушбу рисола орқали Турон дунёси олимлари, тарихчи-тадқиқотчи, археолог ва фан фидойиларига чакириқ сифатида ушбу рисо-лани чиқармоқда.

Тарихимиз Турон чиноридай бир ерда ўсиб шохалади. Унинг тарқаб кетган саҳифалари албатта бирикиши керак. Зеро, шу саҳифаларнинг бирида асрлар оша маънавий, маданий, маърифий маскан бўлган Хўжайли замини ҳам нур сочиб турибди. Тарихнинг шу нуридан Сиз ҳам баҳраманд бўлинг, азиз ўқувчи.

*Гулистон МАТЕҚУБОВА,  
Қорақалпоғистон халқ шоираси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими.*

*Ушбу камтарона меҳнатларимни ширин тили  
чиқа бошлаган бир пайтида бу орадан норасида  
кетган қизим ОЙДИЛнинг энди тетапоя бўлаётган  
босган қадамлари изларига бағишлайман.*

### **ХОТИРА**

*Жуфт кўзлар бор эди,  
йўқолди.  
Ундан не қолди?  
Жуфт қўллар бор эди,  
йўқолди.  
Ундан не қолди?  
Бир армон бор эди,  
йўқолди -  
Ундан не қолди?  
Бир инсон бор эди,  
йўқолди -  
Ахир не қолди?*

## ЮРТ ИШҚИДА БИР ТҶРТЛИК

Булбулга мастона боғ сайли ортик,  
Шиддаткор бургутда ов майли ортик.  
Мен учун дунёда ҳар бир гулшандан,  
Шу чангли-тўзонли Хўжайли ортик.

### ХЎЖАЙЛИ ҶТМИШИДАГИ «ОҚ ДОҒЛАР»

«Ўзимиз яшаётган маконимизнинг тарихи ҳақида нималарни биласиз»?

Шаҳримиздаги ўрта мактаблардан бирининг юқори синф ўқувчиларига шу савол билан юзландик. Савол бежиз берилмади. Мактабларимизда ўқувчиларга ўзлари яшаётган ер тарихининг ўргатилиши кўнгилдагидек эмаслигидан хабардормиз. Олган жавобимиз баридан-да ўтиб тушди: ўқувчиларнинг деярли тенг ярми «ҳеч нарса билмайман», деган оддийгина уч сўзни тақорлашди, холос.

Хўш, бошқаларчи? Мана, баҳоли қудрат жавоб беришга уринган ўқувчилардан бирининг ёзганлари: «Мен Хўжайлида яшайман, унинг тарихидан озгина бўлса-да хабардорман. Бу ерлар аввал Ўзбекистон ССР таркибида эди. 1932 йили ККАССР бўлиб бўлинган. Яна бирови: «ККАССР ташкил топгандан кейин 1928 йили Хўжайли унинг бир тумани сифатида тузилган». Учинчиси: «Хўжайли шаҳри 1926 йилда қурилган...» Мазмун жиҳатидан ҳам, фактларга асосланиш жиҳатидан ҳам худди икки томчи сувдай бир-бирига менгзайдиган жавоблар давом этаверарди. Жавобларни кўздан кечириш жараёнида кўнглимда ўқувчиларга ачиниш ҳисси қатори уларнинг тарих, география муаллимларига нисбатан муросасиз туйғу уйғонди. Йиллар давомида бола ўқитиб йилига биргина соатини ўзи яшаётган макон тарихига, табиатига бағишламаган, ўқувчиларни бир мартагина бўлса-да чор-атрофдаги тарихий обидалар билан таништириш учун саёхатга олиб чиқмаган муаллим тарбиячи деган номга муносибмикан? Ана шундай тарбиячиларнинг «таълим»ини олган ўқувчиларгина «Хўжайли калмоқларнинг калъаси бўлган», «Бурун Хўжа исмли хон бўлган, қалъа шунинг номига қўйилган»: «Хўжаларнинг калъаси бўлганлиги учун Хўжайли деб аталган» сингари фикрни ишонч билан айтиши мумкин. Сабаби уларга ўқитувчилари худди шундай деб ўргатишган. Ёки энг ёмони-ҳеч нарса ўргатишмаган.

Бу мақола аслида Хўжайли тарихи ҳақидагина эмас, балки унинг тарихи ўқувчиларга қандай ўргатилаётгани ҳақида ҳамдир.

Шунга қарамасдан одамзоднинг асрлик тарихининг турфа рангларини ўзига сингдириб қолдирган калъамизнинг, шунингдек туманимиз бошқа эс-далиқларининг тарихини четлаб ўтиш қийин.

Тилакка қарши биз, айримлари ЮНЕСКОнинг махсус ҳисобида турадиган архитектура ёдгорликларимизнинг ҳам, воқеаларга бой ўтмишимизнинг ҳам, тобора унутилиб бораётган дастурларимизнинг ҳам кадр-қимматини вақтида баҳолай олмадик. Қани, XIX асрда Хўжайлига келган А.Кўннинг тасвирлаган усти ёпик бозори? Қани, Кўна қалъани иккига бўлиб шарқи-

раб оқиб турган ирригация ёдгорлиги-Суванли ёп? Карвон саройлар, мактаблар, мадрасалар, мачитлар, арзхона ва козихоналар? Ўттизинчи йиллардаги нотўғри сиёсат оқибатида «Қиз уйи»га олиб бориб ташланган араб имлосидаги қўлёмалар, узок йиллар давомида Шамунабий ёдгорлиги олдида турган улкан мис қозон ҳозир қаерда? Қадимги ёғоч усталарнинг майда нақшлар билан безатилган устунлари, эшик, арава, сандиқлари, мисгарлар ясаган қўмғонлари, заргарлар қўлидан чиққан нозик аравак, сочбоғ, зирак, билакузуклар, сув сақлайдиган идишлари, лаганлари, тошчиروқлари, темирчиларнинг забардаст қўлларидан бунёдга келган пичоқлар, қулф-калитлар сақланиб қолганми? Улар истаган ўлкашунослик музейига кўрк бағишлаши мумкин эмасмиди?!

Тарих ўқитувчиларимиз ўқувчиларга Миср пирамидалари, сфинкслар, саркофаглар ҳақида гапириб беришдан чарчамайдилар-у, ўзимизда топилган ассурийлар тўғрисида оғиз очмайдилар. Улар «Иллиада», «Одиссея», «Гилгамеш», «Игорь полки ҳақида сўз» дostonларининг мазмунини болаларга тушунтиради ammo Мазлумхон, Шамунабий, Жўмард қассоб, халфа Ражаб, Аваз-хўжа хусусидаги нақл-ривоятларни четлаб ўтишади. Ер юзида турли динларнинг тарқалиши тўғрисида дарс ўтаётган муаллимларимиз бундан 1000-1200 йил илгари туманимиз ҳудудида ислом дини билан бир қаторда Зардушт, Насроний динларига сиғинадиган одамларнинг ҳам яшаганини айтиб ўтишадими? Биз гоҳо нарда ўйнашни ўрганганимизга фалон йил бўлди, деб мактанамиз. Ammo бу ўйинни бизда 7-8 аср бурун ҳам ўйнашган экан. Қадимги пачез ўйини қондаларини билувчи кексаларимиз йил сайин озайиб бормокда. Бу тупроқда Чингизхон, Темур, Шайбонийхон асарлари отларининг тўёқлари излари қолган. Бу ерларга Беруний, Абу Али Ибн Сино, Нажмиддин Кубро сингари ўз замонасининг етук алломаларининг назари тушган. Келиб чиқиши грек подшолари, маздакийлик таълимоти, ўрта асрлардаги юришлар билан боғлиқ тарихий атамаларимиз бор. Хўжайли, Тахиятош, Антакия, Миздаххон, Хатап, Говур, Қора шапок, Тўнғизли ва бошқада кўлаб топонимларнинг келиб чиқишлари илмий изланишларга, монографияларга асос бўлиши мумкин. Мазлумхон қабр тошига форсий тилда ёзилган фалсафий руҳдаги ғазал ва рубойларнинг муаллифи ким?

Китобларда аввалги хўжайиликларнинг бир қисми баликчилик билан шуғулланишгани, Бухоро амирлигига сотишга ҳар йили 500 тоннага яқин ноёб балик турларини етказиб бериб турганлиги ҳақида ёзилган. Бахтга қарши уларнинг қандай кема, кайик, солларнинг турларидан фойдаланишгани хусусида аниқ маълумотга эга эмасмиз.

Турли даврларда туманимиз ҳудудига турли халқларнинг вакиллари-ураллик руслар, поляклар, корейслар кўчиб келишган. Бу халқларнинг кўчиб келишганининг туб мохияти ҳалигача кўпчиликка номаълум бўлиб қолаётир.

Кечаги кунимиз-яқин ўтмишимиз ҳақида нималарни биламиз. Туманимизда биринчи қолхоз, совхозлар қачон тузилган, янги мактаблар қачон очилган?

Кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар қачон пайдо бўлди? Турли даврларда туманимизга кимлар раҳбарлик қилди ва эл олдида уларининг бурчини қандай адо этишди? Хўжайлига темир йўлнинг келиши, Ленин номи-

даги каналнинг қазилиши тарихи ҳақида нималарни айта оламиз? Менимча, кўпчилигимиз бу саволларга тўла жавоб бера олмаемиз. Кўпчилигимиз ўзимизнинг яшаётган еримизнинг тарихига қараганда олис эллар тарихи ҳақида кўпроқ маълумотга эгамиз.

Худди шундай бўлиб келди. Бироқ мана, замон ўзгармоқда одамларимизнинг ўз тарихига бўлган кўз қараши ўзгарапти. Худди шундай эҳтиёжлар асосида сизларга тақдим этаётганим, ушбу тарихий очерклар тўплами дунёга келди. Унда ўзим кўрган, излаб топган маълумотларимни бир жойга тўпладим. Фикримча улар оз бўлса-да тарихимиздаги «оқ доғлар»ни аниқлашга, ўтмишимиздаги кўп воқеа, ҳодисаларга аниқлик киритишга ёрдам беради.

## ТОР КУЧАДА БИРОВ ЯШАР...

Кеча бир бола яшарди,  
Жин кўчада чопиб, учар эди у.  
Оппок қоғозлардан учоқлар ясаб,  
Улар-ла осмонни кучар эди у.

Бугун бир йигит яшайди,  
Оппок қоғоз унга бугун ҳам ҳамдам.  
Қоғозга тўқар у дард-у ғамларин,  
Қоғозга айтади шодликларин ҳам.  
Эрта балким бир чол яшар,  
Белдан қувват кетар, хириллар овоз.  
Ва, балким шунда ҳам ҳасса ўрнига,  
Қанот бўлар унга бир варақ қоғоз.

## ХҲЖАЙЛИ НЕЧА ЁШДА?

Қорақалпоғистонда Хўжайли шаҳрининг ҳам, хўжайликларнинг ҳам ўзига хос тақрорланмас ўрни бор. Наршахийнинг сўзларини биров ўзгартириб айтадиган бўлса, олис юртга бориб қолган хўжайлилик ҳеч қачон «нукусликман» демайди, «хўжайлиликман» дейди. Агар суҳбатдоши бундай қалъа борлигидан беҳабар бўлса, қўнгли озор чекади. чунки улар ўз шаҳрини Аллоҳнинг назари тушган, қароматли макон деб билишади. «Хўжайлида 70 кун яшасанг, хўжа бўласан», «Хўжайлига пиёда келган от миниб кетади», «Хўжайлининг донини еган чўмчуқ Маккадан қайтиб келади» деган иборалар ҳам шу асосда дунёга келган.

Ҳақиқатан ҳам Хўжайли одамларининг қўнглидаги шу қалъага нисбатан ифтихори бежиз эмас. Ўзининг улкан тарихига, маданий меросига авлодларидан авлодларга ўтиб келаётган маҳаллий афсоналарига, удумларига, таникли диний алломаларига, қаҳрамонларига эга бу қалъа. Қалъа одамлари ҳалигача ўзларининг аввал яшаб ўтган буюк аждодаларининг мардлигини, ўтқир сўзлигини, эл-халки обрў-эътиборни устун қўйишлигини, ҳар жойда ҳар қачон ҳам ўз кадр-қимматини сақлай олишга қодирлик хусусиятини



йўқотмаган. Шуларнинг ҳаммаси уларнинг дилида ўзларининг илдилари теран халқ фарзандлари эканлигига ишонч уйғотади.

Бахтга қарши, шундай ажойиб одамлари бўлган ажойиб қалъанинг тарихи, маданияти, этнографияси, тили, жой номлари, архитектураси, алоҳида ўрғанилмасдан қолиб кетмоқда. Ачинарлиси, бу мавзуларга қизиқиб кўрган кишининг аниқ тўрган жойини билмасдан Хўжайли бозоридан танишини излаган киши ахволига тушиши аниқ. Чунки тарих дозаларидайд хар тарафда сочилиб етган маълумотларни бир жойга жамлаб, бир хулосага келиш ниҳоятда мушкул.

Хўжайли шаҳрининг ёшини аниқлаш борасида ахвол ҳам худди шундай. бугунги кунда Қўнғирот йўлининг бўйидаги «Хўжайли шаҳри-1926 йили» деб ёзиб қўйилган сўзларнинг чинлигига ҳеч ким ишонмайди. Хўш, унда қалъамиз неча ёшда? Баъзилар Хўжайли 2400 ёшда, деган фикрларни билдиришмоқда. Илмий изланишларнинг чегараси йўқлигини эътироф этган ҳолда, бу борадаги ўз фикрларимни ҳам билдирмоқчиман.

Менинг назаримда, Хўжайли қалъасининг ёшини бир эмас, хар хил далилларга асосланган ҳолда уч даврдан бошласа бўлади. Бу-Антиохия қалъаси қурилган йиллар, Хўжайли шаҳрига асос солинган ва Хўжайли шаҳри ёзма маълумотларда илк марта пайдо бўлган йиллар. Уларни асос сифатида қабул қилишда хар бирининг устун ва ожиз тарафларининг борлигини кўраимиз.

I. Антиохия қалъаси қурилган йиллар, Хўжайли қалъасининг ёшини 2400 да ҳисоблайдиганлар Антиохия қалъаси харобохоналарида юргизилган археологик изланишлар натижаларига асосланганидир. Қалъа ҳақиқатан ҳам эраמידан илгари қурилган бўлиб, унда бир неча асрлар давомида одамлар яшаб келганлигини, 14 метр қалинликдаги маданий қатламлари тўлиқ тасдиқлайди. Шунга қарамай баъзи олимларнинг, хусусан F.Хўжаниёвнинг қалъа ёшини 2400 йил деб эътироф этиб, унинг дастлаб Говур кейинчалик Миздакхон, сўнг эса Антакия атамалари билан аталгани ҳақидаги фикрлари бироз баҳс талабдир. Биз қалъанинг, дастлаб Антиохия, кейин Миздакхон, сўнг эса Говур қалъа дея номлангани, шу атамаларнинг этимологияси ҳақидаги фикрларни бундан кейинги мақолаларимизда батафсил далиллашга ҳаракат қиламиз. Ҳозирча эса фақат шу фактларга ўқувчиларнинг эътиборини қаратмоқчимиз.

Биринчидан: «Говур қалъа» атамаси ислом дини билан боғлиқ, демак у фақат эраמידан 7 асрдан кейин қўлланилиши мумкин. Иккинчидан: «Антиохия» сўзи фақатгина Салавкийлардан бўлган Антиох I Соттер ва ундан кейинги Антиохлар билан чамбарчас боғлиқ, у эса эраמידан аввалги 280 йилларда тахтга чиққан. Демак, қандай ҳисобласангиз ҳам қалъа ёши 2400 йилни тўлдирмайди. Тўғри, Салавкийлар мамлакатининг чегара пости сифатидаги қисми қурилишни кейинги Антиохлар билан боғлаб, ҳисобни 2200 ёки 2250 йил дейиш мумкин. Аммо бу санани ҳам Хўжайлининг ёши билан боғлаш қийин. Сабаби, Антиохия-Миздакхон-Говур қалъаларининг жойлашган ўрни архитектураси, ё маданияти, ё тили, ё дини билан Хўжайлига боғлиқлик жиҳати йўқ. Айтайлик, 1924 йилда Туркменистон чегараси ҳозирги Ленин номидаги канал бўйлаб белгиланганида, бу қалъаларнинг тарихини

фақатгина Хўжайлининг эмас, балки бутун Қорақалпоғистоннинг тарихи билан боғлаб ўтирмаган бўлар эдик.

II. Хўжайли қалъасига асос солинган йиллар. 1643-йилда ороллик ўзбеклар Абулғози Баҳодирхонни Хева хони қилиб сайлайдилар.

У бир қанча курашлардан сўнг, 1645 йилда Хева тахтига ўтиради. Илмий изланишлар олиб борган С. Камолов, Ш. Уббинийёзов, А. Қўшжоновларнинг кўрсатишича, ороллик ўзбеклар Қўнғирот, Манғит, Кипчок, Хўжа-эли ва бошқа уруғларни бирлаштирган. Уларнинг кўпчилиги Баҳодирхон билан жанубий Хоразмга бирга келган. У вақтларда Хоразм халқининг таркибидаги этник гуруҳлар яйлов ва суғориладиган ерларни таллашиб келганлар. Абулғози Баҳодирхон элда тинчлик ўрнатиш мақсадида бу ерда яшовчи барча қавмларни 4 тўдага бўлган. Улар орасида жалоийр, кенағас, дўрман, юз минг, қатағон каби қавмларнинг қолдиқлари-али эли, хўжа эли, саид каби этник гуруҳлар ҳам бўлган. Амударёдан сув оладиган каналлар ва суғориладиган ерларнинг улкан бўлаги шу қавмлар ва уруғларга бўлиб берилган. Улар аста-секин ўтиримли бўлиб яшашга ўтиб, деҳқончилик ва бошқа касб-ҳунар билан шуғуллана бошлашган. Вақтлар ўтиши билан уларга бўлиб берилган ерларда шу ерда яшаётган қавмлар ёки уруғлар номи билан улкан-улкан овуллар, қалъалар пайдо бўла бошланган. Хўжа эли топоними шу асосда пайдо бўлиб уруғ номидан келиб чиққандир. Шуларни инобатга олсак, Хўжайли номи аҳоли пункти 1650-1660 йилларда пайдо бўлган, деб ҳисоблаш мумкин.

III. Хўжайли қалъаси илк марта ёзма маълумотларда учрайдиган йиллар.

Бу ёзма маълумот 1740 йилнинг 12 ноябрига тегишли. Шу йилнинг август ойида Оренбург шаҳридан Петр I даврида, 1716 йилидаёқ Россияга қарашлигини тан олган кичик юз қозоқлар хони Абдулхайрнинг олдига маълумотлар тўплаш мақсадида поручик Д. Гладишев, геодезист И. Муравин, инженер Назимов, тилмочлар Назаров ва Усмон Арслоновлардан иборат гуруҳ юборилади. Улар 33 кун йўл юриб, Қувондарё ёнидаги хоннинг қароргоҳига етиб келишади. Аммо хон оролликларнинг олдига кетган бўлиб чиқади.

Шу боис улар хоннинг ўғли Нурали ва тоғаси Ниёз билан биргаликда 2 ноябр куни Абдулхайрхон ёнига Шохтемир қалъасига етиб келишади. Шу вақтда Хевага Эрон подшоси Нодиршоҳ хужум қилиб турган эди. Хеваликлар ўзларига Абдулхайрхонни хон бўлишга таклиф этади. Абдулхайрхон ўзига қўшилган россияликлар билан бирга 7 ноябр куни Хевага етиб келади. Хоннинг илтимосига кўра россияликлар форселар билан музоқоралар олиб бориб, битим тузади. Хон Хева тахтига ўғли Нуралини ўтиргизиб, изига қайтади ва 12 ноябр куни Хўжайли тўғрисида, дарёнинг ўнг қирғоғига ўтиб кетади. Д. Гладишев ва И. Муравинларнинг кўрсатмалари биз учун Хўжайли атамасининг илк марта ёзма маълумотларда учраши билан бирга, уларда тарихий, этнографик, географик, табиий маълумотларнинг кўплиги билан ҳам қимматлидир.

Демак, 1740 йилнинг 12 ноябрида бу ерда Хўжайли қалъаси бўлгани аниқ. Бирок, ўша пайтда у неча ёшда эди, -деган саволга бахтга қарши биз жавоб бера олмаймиз.

Менинг назаримда, Хўжайлининг ёшини белгилашда бу ҳақдаги маъ-

лумотларни яна ҳам тўлиқтириб, юқоридаги кўрсатилган уч манбани бит-тасига асосланиб иш кўрсак, ўринли бўлади.

## ҚАДИМ ВА КЕЛАЖАК

Дунёдаги ҳамма йўллар айри—  
Дунёдаги ҳамма йўллар бири—  
биридан ажралиб  
Кетаётгандек туюлади, олдинга юрсам.

Дунёдаги ҳамма йўллар тўғри—  
Дунёдаги ҳамма йўллар бири—  
бирига қўшилиб,  
Келаётгандек туюлади, орқамга юрсам.

## «ХУЖА-ЭЛИ» АТАМАСИ ҲАҚИДА

Хўжа эли-XV-XVIII асрларда ороллик ўзбеклар бирлашмаси таркибига кирган қавмлардан бирининг атамаси. Бу бирлашмада Қўнғирот, Манғит, Киёт, Кипчоқ сингари қабила-уруғлар ҳам бўлган.

Қавм атамаси «эга», «хўжайин», «етакчи» маъносидаги «хўжа» ва «халқ», «мулк», «макон» маъноларида қўлланган «эл» шунингдек, «и» эгалик қўшимчасидан иборат. Атамадаги сўзлар ва сўз қўшимчаси бутунлай туркий тилларга хосдир.

«Хўжа эли» атамаси ўтмишдаги хонларнинг ёки шундай ваколатга эга бўлган одамларнинг бири тарафидан ўша даврдаги хўжаларнинг бировига мулк сифатида бўлиб берилган бир неча уруғларнинг умумлаштирилган номи сифатида пайдо бўлган, деб қараш мумкин. Шунини ҳам айтиш керакки, XV аср охирида Хоразм тарихида «Али эли», «Хидир эли» сингари қавмларнинг атамалари учрайди. Юрт ҳукмдорлари тарафидан хизмат кўрсатган одамларга мулкларни, овулларни, сув тармоқларини мукофот тариқасида «хатлаб» бериш, диний ўринларга «икто» яъни мулк қилиб бериш Туркистон подшоликларида азалий одатлардан бўлиб ҳисобланади.

XIX асрнинг ўрталарида Хўжайлида бўлган тарихчи А. Қун хўжайлилик диний уламолар ўзларининг келиб чиқишини хўжа Аҳмад Яссавийга боғлашлари ҳақида ёзиб қолдирган. Демак, «Хўжа эли» Хўжа Аҳмад Яссавийга ёки унинг авлодларидан бирига, ёки Яссавий мачитига қарашли қилиб берилган овуллардаги уруғларнинг умумий атамаси, деб тахмин қилиш мумкин.

Хўш, булар қандай уруғлар эди? «Тўрт арис (бўлак) ўн икки чорак Хўжайли бўлган» дейишади хўжайлилик кексалар. Демак, хўжа эли қавми тўрт қатта уруғдан ва уларни ташкил этадиган ўн икки чоракдан яъни, бўлақлардан иборат. Бу уруғларнинг айримларининг номлари эски Хўжайли овуллари-нинг ва мачитларининг атамаларида сақланиб қолган. Улар: Ажувли, Тоз, Сурич, Қорашапоқ, Қўрбоноқ, Шўра, Кирпи, Беговул, Кирк, Сарик атамалари. Бу атамаларнинг айримлари юз йил, ҳатто ундан ҳам аввалроқ маълум бўлган.

Тўрт арис, ўн икки чорак-бири ўн олти булиши керак. Агар Хўжайли кавмининг бир чорагини хўжалар ташкил этган, деб хисобласак, юқорида санаганлар билан ҳаммаси ўн бир бўлади. Бахтга қарши, бу уруғларнинг қайси бири арис қай бири чорак вазифасида келгани бизга маълум эмас. Балки, Хўжайли кавмининг тўрт бўлагини найман, қўлоб, жалойир, уйғур сингари йирик уруғлар ташкил этган, улар эса ўз навбатида қорашпоқ, ажувли, тоз ва бошқада бўлақларга бўлингандир? Хўжайли кальаси атрофида ва умуман туман ҳудудида Орқа сурим, Найман овул, Шўровул, Қўлоб овул, Сарик чирик, Бўз ховли, Бой нўғай, Найман туба, Қиёт, Жалойир, Кенагас, Баймоқли овул, Туба сингари этнотопонимлар бор. Саройқўл, Саманқул, Сарикчунгул, Окчунгул сингари ер атамалари ҳам уруғ ва қавмлар атамаларини эста солади. Уларнинг келиб чиқишини ўрганиш биз учун кўпгина янги маълумотларни бериши мумкин.

### ШУ ЙИЛЛАРИ ХЎЖАЙЛИДА...

Шу йиллари  
Хўжайлида яшамок, бу-  
Ўзинг ўзбек бўла туриб,  
Қорақалпоқ журангнинг уйида,  
Қозок дўстингни  
гувоҳ тутиб,  
Туркман ошнанг ила  
Қўхна Хоразм тарихи  
ҳақида  
узок ва узок баҳслар  
юритмоқдир.

### ЭСКИ ХЎЖАЙЛИ ОВУЛЛАРИ

Вақт ҳоҳлаган нарсасини, шу жумладан, шаҳарларни ҳам таниб бўлмас даражада ўзгартириб юбориши мумкин. Хўш, XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида қалъамизнинг маъмурий бўлиниши, ундаги қурилишларнинг жойлашиши қандай бўлган? Бу саволларга жавоб топиш учун келинг, ўша вақтдаги Хўжайли кальасига ҳаёлан сайр қилиб кўрамиз. Кемада кириб келган саёҳатчининг назари энг аввал каналнинг чап тарафидаги Сафарбой қирғизнинг жойига, кейин балик бозорига ва Қозокбой Саллохнинг иморатига тушган. Бироз юрилгач, каналнинг ўнг тарафида «Қирк қавм» овулидан кейин каналнинг ўнг тарафида жойлашган овуллар Ажувли, ундан кейингиси Совунчи деб аталган. Бу икки овул ўртасида Чорси деб аталган улкан кўчада ҳунармандларнинг усти ёпик бозор-кўчаси ўрин олган. Тим кўчада 200-тача дукон бўлган. Суванлининг энг катта кўприги ҳам шу ерда жойлашган. Каналнинг чап тарафида қалин паҳсадан тикланган қарвон саройнинг деворлари қўриниб турган. Ундан кейинги овулларнинг номлари Қўнчи ва Қосиб деб аталган. Қўнчи овул каналнинг сўл соҳилида, Қосиб овул ўнг соҳилида жойлашган. Суванлининг қалъадан чиқаверишида

жойлашган иморатлардан бири Арзхона деб аталган. Унда Хўжайли ҳокими ўз олдига арз билан келган фуқароларни қабул қилган. Арзхона қаршисида, каналнинг ўнг тарафида жойлашган овул Қирпи деб аталган. Қалъа чегарасида жойлашган қибладан орқага қарай чўзилиб кетган бу овулнинг бир неча улкан ва кичкина кўчалари бўлган. Қалъадан чиққач Суванли канали кичкина ариқларга бўлиниб кетган.

Хўжайлига Қўҳна Урганч тарафдан келадиган йўлларнинг энг каттаси Бахайбек бобо қабристони ёнидан ўтган. Қибладан орқага қараб чўзилган бу йўл Хўжайлини тенг иккига бўлиб турган. Усти ёпиқ бозор ҳам шу кўчадан ўрин олган кўмир бозори, қарвонсарой, қозихона, Ажувли, Совунчи, Тоз, Қорашапоқ овуллари шу йўлга яқин ерда жойлашган. Усти ёпиқ бозордан сўнг давом этган очиқ кўча Аваз қўшчи, Қобилжон бобо кўчалари билан кесишган.

Шундай қилиб, бундан 80-90 йил илгари қўҳна Хўжайлида мавжуд бўлган овуллардан қуйидагиларнинг номларини аниқладик: Суванлининг оқими бўйлаб ўнг тарафида Қирк, қавм, Ажувли, Бой овул, Тоз овул, Совунчи, Қурбанак, Қорашапоқ, Қосиб, Қирпи, Суванлининг оқими бўйлаб сўл тарафда: Бий овул, Қозоқ овул, Кўнчи овул. Қалъа ичидаги овулларда одамлар қасб-хунарга қараб бирлашиб яшаганлиги билан характерланади. Мисол учун Бой овулда савдогорлар яшаган. Ажувли овули аҳолисининг ярми деҳқонлардан, ярми бой одамлардан иборат бўлган. Бой одамлар жувоз, хороз, ерларга эгалик қилган ва мардикор ишлатишган. Қурбаноқ овули одамлари савдогарчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Кўнчи овули одамлари асосан тери ошлаб, тайёрлаб сотишган. Тоз овулида эса кемачилар ва деҳқонлар аралашиб яшаганлар. Қосиб овули халқи асосан хунармандчилик турлари билан шуғулланишган.

Кексаларнинг айтишига қараганда, Хўжайли қалъасида 16та мачит бўлган. Уларнинг атамалари тубандагича: Сурим, Шўра, Қосиб, Пирим эшон бобо, Қорашапоқ, Қурбанак, Тоз, Ажувли, Бой овул, Қирк, Харрат, Эшонбет бой, Нурун бобо, Бий, Кўнчи, Ерака хўжа. Улардан Қурбаноқ ва Бий мачитлари мадраса вазифасини ҳам ўтаган. Булардан таъқири «XI-XX аср бошларидаги қорақалпоқ ҳаётига оид муҳим ҳужжатлар» китобида (Тошкент «Фан» 1977 йил) XX аср бошларида қалъада Қорақалпоқ Хўжайли ва Шайх Кабир ота деган мачитлар мавжуд бўлганлиги тўғрисида ёзилади. Бироқ бу мачитлар қалъанинг қаерида жойлашганлиги маълум эмас.

Хўжайли халқи машғул бўлган қасб-қор турларидан эса қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: савдогарчилик, деҳқончилик, кемачи, темирчи, аравақаш, жувозчи, базвоз, харрат, мискар, заргар бўзчи, салдоқчи, уйчи, буйрачи ва бошқалар.

Бахтга қарши эски Хўжайлининг маъмурий бошқарув жиҳатдан бўлинганда ишлатилган атамалар ҳозирги кунда ўз ахамиятини йўқотган бўлиб, баъзиларгина халқ тилида қўлланилади.

Айтишларига қараганда Хўжайлининг шимолий, ғарбий, шарқий ва жанубий дарвозалари деб аталадиган дарвозалари ҳам бўлган: Булар халқ тилида Орқа, Қибла, Кўнчиқар ва Кўнботар дарвозалари деб аталган. Бироқ уларнинг бутунги кунда фақат атамаларигина сақланиб қолган, ҳоло.

## ХҶЖАЙЛИНИНГ КИЗЛАРИ

Нозбойгулим, нозга бойим, нозлигим,  
Муаттарим, хуш бўйлари созлигим,  
Эй ҳуркагим, эй комати ғозлигим,  
Хўжайлининг кизларига ўхшайсан.

Нозбойгулим, нозга бойим, нозлигим,  
Феъли тоза инжиклиги озлигим,  
Куз, қишлигим, кўкламлитим, ёзлигим,  
Хўжайлининг кизларига ўхшайсан.

Нозбойгулим, нозга бойим, нозлигим,  
Тортинчоғим, уй тўрига мослигим,  
Иболигим, хаёлигим, нозигим,  
Хўжайлининг кизларига ўхшайсан.

Нозбойгулим, нозга бойим, нозигим...

## ТАРИХИЙ АТАМАЛАРИМИЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА БИР НАЗАР

**Антакия**—антик даврдаги қалъа харобаси. Ҳозирги Миздакхон тарихий архитектура ёдгорлигига кирувчи Говур қалъа аввал «шаҳри Антакия» яъни «Антакия қалъаси», Мазлумхон сулув ёдгорлиги жойлашган тепалик «қўҳи Антакия» яъни Антакия тоғи деб аталган.

Эрамиздан аввалги IV асрларнинг охирида, Александр Македонский ва-фотидан сўнг, у асос солган жуда улкан империя тарқаб кетди ва бир неча мустақил ҳокимлар томонидан бошқариладиган ҳудудларга бўлинди. Шундай ҳокимларнинг бири Вавилон ҳудуди диодохи Салавк I бўлган. У Салавкийлар сулоласига асос солган. Тез орада Мидия, Сурия, Месопотамия, Персида, Кичик ва Ўрта Осиёлар ҳам салавкийлар қўлига ўтади. Ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида Салавк бу улкан ҳудудларда 70га яқин қалъа қурдиради. Салавкийлар сулоласини давом эттирувчилар орасида Антиох исми бир неча подшолар ўтган ва улар ҳам кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширишган. Қурилишлар Антиохларнинг номи билан аталган. Масалан, Туркиянинг шимолидаги ҳозирги Антакия қалъаси 1516 йилга қадар Антиохия деб номланиб келинган.

Арманистон ва Эронда Антакия қалъалари бўлган. Антиох I Соттер (эрамиздан аввалги 280–261 й). эса кўчманчи дай қабилаларининг ҳужумларига чек қўйиш мақсадида ҳозирги Мари қалъасига яқин ерда узунлиги 300 километрча бўлган мудофаа деворини қурдирган. «Антиох девори» деб номланган бу қурилишнинг бир неча ўн километрлик ҳудудидаги харобалари ҳозиргача сақланиб қолган. Хоразм ҳам ўша даврда Салавкийлар ҳукмдорлигига қарашли бўлган. Демак, Антиохларнинг бири Хоразмнинг шимолий

чегарага якин жойларида қалъа қурдириб, қалъанинг унинг номи билан аталгани ҳақиқатга анча якин келади.

Солиштириб кўринг-а, Антиохия-Антакия...

Бухоро шаҳридаги тарихий музейда-зорастрим динининг ер юзида қандай тарқалганини ифодаловчи бир карта илғиқ. Унда кўрсатилишича бу диннинг ер юзида тарқалган шимолий тарафдаги сўнгги чегараси Амударё-нинг этагидаги Антакия қалъаси бўлган. Бундан ташқари авваллари Орол денгизи Антиох денгизи деб аталгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

**МИЗДАКХОН** қалъа ва Маздумхон Сулув тарихий обидаларини ўз ичига олган комплекснинг кейинги атамаси. Илмий изланишларда Говур қалъа эра-миздан аввалги I-минг йилликнинг ўрталаридан эра-мизнинг XI асрига қадар Миздакхон деб аталиб келинганлиги ҳақида ёзилади. Зардушт динининг бош худоси Ахура Мазданинг номи қалъанинг шундай номланишига асос бўлган бўлиши мумкин. Аммо у ҳолда яна икки нарсага ойдинлик киритиш зарур. Биринчидан, қалъанинг эра-миздан аввалги III асрдан бошлаб кўп даврлар мобайнида Антиохия деб номланиб келингани хусусида юқорида айтган эдик. Иккинчидан, қадимги Шарк топонимларининг орасида зорастрим динида улкан салмоққа эга маздакийлик таълимоти билан боғлиқ атамаларнинг ҳам кўп учрашини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Таълимотнинг асосини яратган Маздак ибн Хамдодон эра-мизнинг 470-529 йилларида яшаган бўлиб, аввал оловга сиғинадиган диний маконларнинг бирида, кейинчалик буткул Эрон бўйича бош қохин (диний бошчи) лаво-зимни эгаллаган. Унинг таълимоти оддий халқ орасида кенг қўллаб-қувват-ланган. Тилшунослик фани жихатдан қарайдиган бўлсак ҳам Миздакхон то-понимига Ахура Маздага қараганда Маздак исмининг асос бўлганлиги эҳти-моли юқори. Агар қалъага нисбатан Миздакхон атамаси эра-мизнинг VI-VII асрларидан бошлаб ишлатилган деб ҳисобласак, не учун Антиохия атамаси-нинг ҳам асрлар давомида тенг яшаб келганлигини тушуниш мумкин.

Китобларда маздакийликнинг Хоразмда кенг тарқалганлиги, ҳатто араб-лар келганидан сўнгги бир неча асрлар давомида ҳам маҳаллий аҳоли Маз-дак таълимотига сиғиниб келганлиги хусусида ёзилган. Арабларга қарши бир неча марта қўзғалишларга ҳам маздакийлик сабабчи бўлган.

**ГОВУР ҚАЛЪА**—Антиохия харобазорларининг сўнгги-учинчи номи. Араблар зардушт динига сиғинувчиларни ва умуман ислом динига ишон-майдиганларни «кофир» деб аташган. Бу атамани ислом динини қабул қил-ган бошқа халқлар ҳам қўллашган. Бирок Миздакхон араблар келиши билан Говур қалъага айлиниб қолмаган. Бизнингча бу жараён узок давом эт-ган. Буни мана шундай шарҳлаш мумкин. Араблар келган бир неча асрлар давомида Миздакхон ҳаёт қайнаган улкан қалъа бўлган. X асрда унинг тег-расида ўн икки мингга якин кўрғони бўлгани айтилади. Араблар озчилик эди, кўпчиликни ташкил этувчи маҳаллий аҳоли эса ўзларининг зардушт динига сиғинган ота-боболари яшаган ва яшаётган маконини «динсизлар қалъаси» деб аталганига ақл бовар қилмайди.

Ҳўш, бу қандай содир бўлди? Тарихдан маълумки, XIII-XIV асрларда, ай-ниқса, XVI-XVII асрларда Хоразмга ислом динини қабул қилганлигига унча

кўп вақт бўлмаган кўчманчи туркий халқлар кўплаб келиб жойлашади. Бу даврлар Миздакхоннинг одам яшамайдиган харобага айлангани бир жиҳат бўлса, иккинчидан, эндиликда кўпчиликни ташкил этувчи кўчманчи халқларнинг зоролстризм дини билан алоқаси йўқ эди. Демак, Миздакхон харобалари «бурунги қалмоқларнинг қалъаси», «ўтга сиғинувчилар қалъаси» бўлганлиги тўғрисидаги афсоналар улар орасида айтилганлиги, шунингдек, «Говур қалъаси» деган атамани ҳам улар қўллай бошлаганлиги хақиқатга яқинроқдир. Агар шу фикрни илгари сурадиган бўлсак, қалъанинг атамалари тўғрисида шундай мантикий ҳулосага келиш мумкин: қалъа эрамиздан аввалги III асрларда Антиох томонидан чегара пости сифатида қурилган ва Антиохия деб аталган, ундан кейин, эрамизнинг VI-VII асрларида маздакийлар таълимоти таъсирида Маздакхон номини олган, охирида эрамизнинг XVI-XVII асрларида эса бу ерларда ўтиримли бўлиб яшаган туркий халқлар унга Говур қалъа номини берган.

**ЖҲМАРД ҚАССОБ**—Мазлумхон сулув ёдгорлиги ёнидаги тепалик номи. Маҳаллий халқ орасида бу тепалик билан боғлиқ ҳар хил афсоналар бор. Бу ерга «Қассобларнинг пири дафн этилган», деган сўзлар ҳам юради. Ҳозирги кўринишида оладиган бўлсак, топонимнинг биринчи бўлаги форсий «Жўмард» (яъни мард, сахий), иккинчиси мол сўядиган одам маъносини англатувчи арабча «Қассоб» сўзларидан ташкил топган. Бизнингча «Қассоб» сўзи амага кейинги даврларда қўшилган бўлиб, топонимнинг ўзаги қадимги «Говмард» сўзидан иборат.

Говмард-зардушт динининг боши ҳўкиз, танаси одам кўринишидаги худосининг номи (форсий гов-ҳўкиз, мард-одам) қадимги варианты - «Қаюмарс». Фикримизча ёдгорликнинг дастлабки атамаси форсий «Говмардиҳос» яъни «Хўкиз бошли билан одамга тегишли», ёки «Говмардга сиғинадиган ер» қабалида бўлган, кейинчалик оғзаки тилда ҳозирги кўринишга келган. Солиштириб кўринг: Говмардиҳос-Жумардиҳас-Жўмард қассоб.

Кейинги тадқиқотларга кўра, Жўмард қассоб тепалиги остида маҳобатли бир маданий иншоотларнинг борлиги тобора исбот топмоқда.

Қадимшунос олимлар орасида зардуштийлик қадимги Хоразмда пайдо бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд.


**ХАЛФА РАЖАБ**-Мазлумхон сулув ёнидаги тарихий ёдгорлик номи. Айрим илмий манбаларда Ражаб халифа, Халифа Ражаб қабалида ҳам ёзилади. Халқ орасида ҳар жума кўни ёдгорликнинг бир ғишти қулаб тушади, ғишлар тугаб бўлган кўни охирамон бўлади, деган афсоналар юради. Ёдгорликнинг олд тарафидаги бутун ғишларнинг бирига арабча уч харф ёзилган. Бу абжат ҳисобида 230 йилларга, бизнинг ҳисобимизча эса IX асрнинг иккинчи бўлагига тўғри келади. Бу ёзув ёдгорликнинг қурилган вақтини билдириши ёки унга зиёратга келган бир одам ёзган бўлиши мумкин. Биз ёдгорликнинг хонакоҳ вазифасини ўтаган, деган фикрларга қўшиламиз. Хонакоҳ-дарवेशлар, қаландарлар, ғариб ва камбағал одамларнинг кўниб ўтадиган кўналғаси вазифасини ўтайдиган иморат.

**МАЗЛУМХОН СУЛУВ**-Маздакхон мажмуасидаги XIII асрларда бунёд этилган тарихий ёдгорлик. Назлимхон сулув тарзида ҳам айтилади. Ёдгорлик



ичига турмушга чикмасдан дунёдан ўтган бир кизнинг дафн этилгани аниқланган. Унинг қабри устидаги тошларга фалсафий мазмундаги қўшиқлар битилган. Кейинги йилларда халқ орасидаги шу афсоналар асосида қоралпок адабиётида шеърини драма яратилди. Унда Назлим исмли йигит ва Хонсулув исмли киз орасидаги ишқий муносабатлар хусусида сўз юритилди. Бирок, бу ердаги маҳаллий халқ орасида ўғил болага Назлим деган исм қўйиш одат эмас. Агар мажмуага дафн этилган кизнинг аристократлар оиласидан чиққанлигини, қабртошга форсий тилдаги сўзлар ёзилганлигини назаримиздан кочирмасак, Назлимхон атамаси ҳам ишонч уйғотмайди. Топонимнинг ўзагида одамнинг исми эмас, балки унга берилган сифат ётганлиги эҳтимолга яқинроқ. Халқ орасидаги афсона руҳига кўпроқ Мазлумхон сулув (аниқроғи-Мазлум Хонсулув) яъни форсий тилдаги мазлум-«Кийналган», «Жабр чеккан», Хонсулув кизининг номи ёки сифат шакли яқин келади. Шунингдек, мана бу вариантыни ҳам кўриб чиқиш мумкин: туркий халқларда араб тилидан ўтган Мазлума деган аёл-қизларнинг номи бор. Солиштириб кўринг: Мазлумахон Сулув-Мазлумхон сулув-Назлимхон Сулув ёки Мазлума Хон-кизи-Назлимхон сулув. Умумий бу антропонимнинг этимологияси ҳар томонлама теран изланишларни талаб этади. Маҳаллий халқ бу ёдгорликни «Киз уйи» деб ҳам аташади.

**ШАМУН НАБИЙ**-XIX асрда қурилган архитектура ёдгорлиги Мазлумхон сулув мавзолейига яқин ерда жойлашган. Халқ орасидаги ривоятларда айтилишича ғайридинларга қарши курашган Шамун исмли мусулмон пайғамбари шу ерга дафн этилган. Илмий изланишларда бу атаманинг келиб чиқиш ҳақидаги маълум бир фикрни учратмадик. Шу боисдан ўз фикримизни баён қилишга ўтамиз. Дастлаб Шамун деган одам исми ҳақида: XI асрнинг араб тарихчиси Усома ибн Мунқизнинг «Ибротли китоб» асарида Шиймун деган одам номи тилга олинган. Шунингдек, мазкур ёдгорликнинг Ёқуб пайғамбарнинг ўғли Шаъмунга нисбат берилиши ҳоллари бор. Бирок Исломи дини тарихидан маълумки, Мухаммад пайғамбар «лонабия баъди», яъни «мендан сўнг пайғамбар туғилмайди» деган. Исломи дини Хоразмга араблар билан келган. Шундай экан, VIII асрдан бурун Исломи динидаги Шамун деган пайғамбарнинг бу ўлкаларда мусулмончиликни тарғиб қилиш учун курашганига ёки қалмоқлар даврида (XIII асрлардан бошлаб) Шамун исмли мусулмон пайғамбари яшаб ўтганлигига ишонч қийин. Балки Шамун наби кимнингдир исми эмас, лақабидир. Қадим Исломи давлатларида улуғ одамларни сифатлаш учун лақаблари билан қаҳирини одати бўлганлиги тарихдан маълум. Масалан, «аллох» тушунчасининг ўзи «рахмон», «халик», «жаббор» сингари юзлаб эпитетлар орқали билдирилган. Мухаммаднинг энг сўнгги ва баридан кучли пайғамбар эканлигини билдириш учун унга «хотаму-н-набийини» яъни «пайғамбарларнинг муҳри» сифати берилган. Шамунбий атамасини аниқлашдан ҳам шу йўлдан бордик, яъни бу атамани «Шамун-набий» тарзида ёзилиш маъносини аниқлашга ҳаракат қилдик. «Шам» арабча сўз бўлиб, «ёруғлантирувчи» деган маънони англатади, демак «шаму-н-набий» сўзи пайғамбарнинг ёруғлантирувчи нури» деган мазмунни беради.



60-йилларнинг ўрталарида «Шамун-набий» кабри очиб қўрилди. Ундан ҳеч қандай одам суюги топилмади. Ўйлашимизча, Шамун-набий ёдгорлиги ўзидан кўп қадимги бўлган бирон ёдгорлик устига ёки шунга яқин ерга қўрилган. Бу масалага сўнги нуктани теран археологик изланишларгина қўйиши мумкин.

Лекин, халқ этимологиясида кўпроқ Шамун исми мусулмон пайғамбарнинг қалмоқ кофирлари билан тафовутларига урғу берилади.

**ХҲЖАЙЛИ**-ҳозирги Хўжайлининг қўхна қалъа бўлаги, XVII асрларда асос солинган. Қалъа ўрнида бошқа ном билан аталган қадимги аҳоли пункти бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Қалъа атамасининг келиб чиқиши хусусида турли фикрлар айтилди. Ҳатто баъзи илмий изланишларда ҳам хўжалар яшаган ҳудуд бўлгани учун Хўжайли бўлган. Хива хони бу ерга бир неча хўжаларни юборган, шунинг учун Хўжайли аталган, сингари асли сўзнинг сиртки кўринишида, халқ этимологиясига асосланган фикрлар учрайди.

XVII аср ўрталарида кўчманчи ўзбекларнинг қўллаб-қувватлаши билан тахтга ўтирган Ҳева хони Абдулғози Баходирхон элда тартиб ўрнатиш мақсадида бу ерларда яшовчи барча қавмларни тўрт гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга уйғур ва найман, иккинчисига қўнғирот ва қиёт, учинчисига нўқуз ва манғит, тўртчисига қангли ва қипчоқ қавмлари бирлашади. Шунингдек, бу гуруҳларга бир неча қавмларнинг қолдиқлари жалоийр, кенағас, дурман, юз, минг, шийх ва али эли, хўжа эли этник гуруҳлари ҳам қўшилади. Амударёдан сув оладиган каналлар ва суғориладиган ер майдонларининг улкан қисми ушбу қавм ва уруғларга бўлиб берилади, улар секин-секин муқим бўлиб яшашга ўтиб, деҳқончилик қила бошлайдилар. Дашти Қипчоқда яшаган кўчманчи ўзбекларнинг таркибида манғит, нукус, чимбой, қўнғирот сингари қавм ва уруғлар бўлганлиги илмий адабиётлардан маълум. Уларнинг улкан бир бўлаги Шайбонийхон бошчилигида XVI асрда Ҳоразмга келган. Сўнги келганлар орасида эса Абдулғози Баходирхонни қўллаб-қувватлаган уруғ-қавмлар ҳам бўлган ва уларгаям ер берилган. Улар секин-секин ўтиримли бўлиб яшашга, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишга ўтишган. Вактлар ўтиши билан уларга бўлиб берилган ҳудудларда қалъалар ва аҳоли пунктлари пайдо бўлган. Бу қалъа ва аҳоли пунктларининг кўпчилиги шу ерда яшаган йирик қавм ва уруғлар номи билан аталган. Ҳозирги Қорақалпоғистондаги Қўнғирот, Нукус, Чимбой, Қиёт, Қипчоқ, Хитой, Манғит каби жой номларининг келиб чиқиши шундай шарҳланади. Хўжайли топоними ҳам улардан ажратиб олиб қарамаслик керак. Демак, Абдулғози Баходирхон хўжаларга эмас, балки хўжа эли этник гуруҳидаги одамларга ер бўлиб берган. Шу фикримизни ривожлантирсак, «нима учун Қорақалпоғистондаги шаҳар ҳудудларда яшайдиган ўзбеклар ўз уруғини билмайдилар?» деган саволга ҳам мантқан жавоб топамиз. Уруғларга ер бўлиб берилгандан сўнги дастлабки йилларда «манғитликман» ёки «хўжайлиликман» деган сўзлар ўша одамларнинг қайси уруғдан эканлигини билдирган бўлса, бора-бора бу уруғларнинг номи жой номига айланган ва «манғитлик», «нукуслик» ёки «чимбойлик» тушунчаси одамларнинг яшаш жойини билдира бошлаган. Шаҳарликлар ўз уруғлари номини унутган бўлсалар, қалъалардан та-

шқарида яшайдиган ўзбеклар орасида ўз уруғи номини биладиган кишилар ҳозиргача учрайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жонзки, туманимиздаги Кенағас, Найман, Уйшин, Ғозоёқли, Жалойир, Саройкул, Қўлоб, Киёт, Тубо ва бошқада кўплаб овул жойларининг атамалари кавмлар ва уруғлар номларинидан келиб чиққан.

«Хўжа-эли «туркий халқларнинг таркибига сингиб кетган қадимги этник гуруҳлардан бири. Туркиянинг йирик вилоятларидан бири Хўжа эли деб номланади. Шунингдек, Туркияда хўжа эли тўқайи, Хўжа эли дарвозаси сингари жойлар ҳам бор. Улар бизнинг Хўжайлимизга дахлдорми ё йўқлиги ҳозиргача маълум эмас.

**ТАХИАТОШ**—кальанинг номи. Халқ орасида у ерда тахия-дўппига менгзган улкан тош бўлган. Шу боисдан Тахиатош аталган деган сўз бор. Аслида Тахиатош топонимининг тарихи узок ўтмишларга бориб тақалади, деб ўйлаймиз. Атаманинг биринчи бўлаги «такяя» сўзидан олинган бўлиши мумкин. Арабча бу сўзнинг бир неча хил маънолари бор. У аввало «суянмоқ-таянмоқ», қолаверса, «одамлар йиғилиб, зиёфат уюштирадиган жой» деган маъноларни беради. Яна бангилар йиғиладиган жой ҳам «такяя» ёки «такя-хона» деб аталган. Бобурномада ёзилишича «такяя»-дарвеш ва қаландарларнинг йиғиладиган жойидир. Шундай экан, Тахиатош дарвеш ва қаландарларнинг тошдан ишланган қўналғаси (Халифа Ражаб хонақохини эсланг) ёки одамларнинг қўнгил очар базмлар уюштириш мақсадида банг чекиш, кўкнор ичиш учун тошдан ишланган жойи мазмунини ҳам беради.

Ислон динида- «такяя» (арабча авайламоқ, имкониятга қараб иш тутмоқ) деган тушунча ҳам бор. Умуман, «Тахиатош» топонимининг ёзма манбаларда қачондан бошлаб қўлланилганлиги ҳозирча маълум эмас.

**ТУБО КУЛИ**—ҳозирги Хўжайлининг эски шаҳар қисми ёнида жойлашган чамаси 10 гектарча майдонга эга. Шоир Ҳамзанинг Хўжайлида ишлаган ўтган асрнинг йигирманчи йиллари қўл бўйидаги шу атамдаги овуллик бир бойнинг уйида яшаб юрганлиги айтилади.

Диний адабиётларда тубо сўзи жаннатий бир дарахтнинг номланиши эканлиги маълум. Айни пайтда ҳаёлий бир дарахт номининг қўл атамасига кўчиб ўтиши унчалик ишонарли эмас.

Туркий тилда сўзловчи тува деб номланган халқ борлигини ҳам кўпчилик билади.

Назаримизда мазкур гидроним этимологияси туркий уруғлар бирининг номини билдирган, «тубойи» атамаси билан боғлиқлиги эҳтимоли кўпроқ. Машҳур олим Заки Валидий ўзининг «Ўзбек уруғлари» мақоласида ўзбек миллати таркибига кирган 92 қабила-уруғлар қатори тубойиларни ҳам санаб ўтади.

Фикримизча олдин қўл ёқасидаги овул, кейин эса қўлнинг ўзи «тубо» атамасини олган.

**СУАНЛИ**—Хўжайлининг эски шаҳари ўртасидан оқиб ўтиб турган канал номи. Мазкур гидронимнинг келиб чиқиши юзасидан халқ оғзида тубандаги ривоят мавжуд. Эмишки, канал янги қазилган даврларда Хўжайлига Хева хони келади. Хоннинг бир уйга меҳмон бўлиб тушганлигини эшитган Авазхўжа уни кўриш учун бораётганида бир одам канал бўйида балик ов-

лаётган экан. Авазхўжа балиқчидан иккита катта суан балиғини сотиб олиб, хонга қовуриб берибди. Суан балиғининг таъми хуш келган хон Авазхўжадан балиқни қай ердан олганлигини сўрабди. Шунда Авазхўжа шаҳарни иккига айириб оқиб ўтадиган катта ёп қазилганлигини, балиқлар ёпдан ушланганлигини айтибди. Шунда хон «Ўша янги ёпда суан қўп экан, унинг номи Суанли бўлақолсин» деган эмиш. Шу-шу канал номи Суанли бўлиб кетибди.

Бу ерда авалламбор мамлакатда қазилаётган шундай катта ирригация тармоғи аҳволдан хоннинг хабарсизлиги, қолаверса хон Хўжайлига келиб тушар экан, буни шаҳар ҳокими бўлган Авазхўжанинг бировлардан эшитиб билиши фактларига ишониниш қийин. Авазхўжа XX аср бошларида шаҳар ҳокими бўлган. Суанли канали ҳақидаги маълумотлар эса ундан 70-80 йилга олдиндан маълум. Сувда «суан» балиқ турининг қўплиги масаласида ҳам, Суанли каналида мавжуд балиқ турлари Амударёдан сув олган бошқа ёп-каналлардагидан катта фарқ қилмаганлигини кўрсатиш лозим.

Бизнинг назаримизда гидроним этимологияси «суви энли» сўзи билан боғлиқлиги эҳтимоли кучлироқ. «Эн» сўзи ҳам кенгликни, ҳам чуқурликни билдирувчи маъноларда ишлатилган бўлиши мумкин. Шевада гап орасида бу сўз «ан» шаклида ҳам қўлланиш ҳоллари бор.

## ҚЎҚОНЛИК ТАНИШИМГА ЖАВОБ

Хўжайли Қўқон эмас, гапинг тўғри,  
Унда яшамаган амирлар, хонлар,  
Нодира, Фурқатлар чиккани йўғу,  
Лекин доим бўлган хассос шеърхонлар.

Пайровга нўнокмиз, бу фикринга тан,  
Думбосди гаплар-ку бизлардан йироқ.  
Адабий тилга ҳам эмасмиз ватан,  
Атала шеваимиз-содда, япалоқ.

Жим-жима гапларсиз кутамиз меҳмон,  
Тўпори, камгапмиз, лек танти, ўктам,  
Хатто хафталарча бевакт, бемезон,  
Ота ўғли билан сўрашмайди ҳам.

«Хўжайли Қўқон эмас» рост-бегумон.  
Чунки Хўжайлининг ўз тарихи бор.  
Қизлари қўрқлидир гўё Мазлумхон,  
Жалоладин руҳи йигитига ёр.

Беписанд гапирма, у ер чекка-деб,  
Беруний бобомнинг кезган ерларин.  
Ху, анов тепага ўстурлоб қўйиб,  
Зарралаб терган у илм зарларин.

Искандар олмасдан тарих нўқтасин,  
«Авесто» ёзилган узок бир маҳал.  
Зардуштий оламнинг шимол нуктаси,  
Антакия эди-ўтпараст шаҳар.

Араблар эгарлаб сафар отларин,  
Кулочин ёйганда жаҳонга ислом.  
«Шаҳри Антакия» ўрнига тагин,  
«Гаур қалъа» деган пайдо бўлган ном.

Денгизхон лақабли қийик кўз мўғул,  
Кенг туркий даштларда от сурганда хўб,  
Жанг қилган Миздакхон, чўзиб ёрдам қўл,  
Пойтахти-Гурганжга жондош шаҳар бўп.

Темур ҳам танилгач жумла-жаҳонга,  
Бу ерлар жилоси қўнглин ғашлаган.  
Оқсоқ оёғини тираб Қўқонга-  
Арслон панжасини бизга ташлаган.

Тарих сахнасидан ўтди Шабоқхон,  
Чорвадор уруғлар султони бўлиб.  
Хўжайли номини олди Миздакхон,  
Кўчманчи ўзбеклар макони бўлиб.

Чўлу-дарё аро ўсган яқиним,  
Баланд тутди доим номусни, орни.  
Ор ва номус дея қўзғонган халқим,  
Қулатди Авазбий осилган дорни.

Шоҳлар келиб кетди, султонлар ўтди,  
Ҳеч бири дунёга устун бўлмади.  
Яхшилар ҳам ўтди-ёмонлар ўтди,  
Лекин шаҳар қолди шаҳрим ўлмади.

Хўжайли Қўқонмас... лекин қўқонлик,  
Хамзанинг хотири қўзга тўтиё.  
Унингдеклар сабаб дарз кетди хонлик,  
Ва қайта таралди юртимга зиё.

Мана сўйлаб бердим кечмишдан дoston,  
Тарихинг бут эмас, десанг ҳам майли,  
Лекин токи мавжуд бир Ўзбекистон,  
Хўжайли-Қўқондир, Қўқон-Хўжайли.

## ХҲЖАЙЛИ ҚҶЗФОЛОНИ

1916 йилнинг биринчи оғи. Хива хони Исфандиёрхоннинг тахтга ўтирғанининг олтинчи йили. Хоразм хонлигидаги халқлар ўз тарихидаги энг оғир кунларни бошидан кечираётган кунлар эди.

Тўғри ўз ҳукмронлиги даврида бир неча марта Санкт-Петербургга саёхат этган Исфандиёр ўзига қарашли ҳудудда бир қанча ўзғаришлар яшаш ҳаракатида бўлди. Унинг раҳномалигида Хивада илк телеграф, фуқароларни бепул эмлайдиган касалхоналар, ҳаммом, мадрасалар қурилди. Хивалик ёшлар ҳаракати туфайли хонликда сиёсий ислохотлар олиб бориш, уни конституцион монархияга айлантириш ҳақидаги миш-мишлар пайдо бўла бошлади. Шундай бўлса-да хонликдаги сиёсий аҳвол нотинч, турли қавм ва уруғлар орасида даво-жанжаллар қучайган, халқнинг турли қатламларининг умумий норозилиги ортиб бораётган бир давр эди.

Ана шундай кунларнинг бирида тарихда «Хўжайли қўзғолони» деб ном қолдирган халқ қўзғолони бошланди. Одамзод тарихида бўлиб ўтган 20 мингдан ортиқ қатта-кичик қўзғолонлар орасида бу ҳаракат келиб чиқиш сабаблари жиҳатидан ягонадир. Эҳтимол буьга Исфандиёрхоннинг ахлоқи йилдан йилга тубанлашиб кетаётгани сабаб бўлгандир. Шунга қўра бу қўзғолонни «Ор-номус қўзғолони» деб аташ ҳам мумкин.

Элнинг энг гўзал, таърифи тилга тушган қизларини хон ҳарамига олиш одати аввалдан сақланиб келган. Исфандиёр ҳам ўз замонасининг бир ҳукмдори, ўзидан олдингиларнинг яхши-ёмон дастурлари унда ҳам мужассам эди. Шундай бўлса-да унинг баъзан қаноатсизлиги, ўз қайнотаси, қатта вазир, ёш хиваликлар йўлбошчиси Ислоом хўжани дорға осдиргани, ҳарамга зўрлаб олиб келтирилган, хонга бўйсинмагани учун гурланлик қиз Ақлжонни суви қайнаб турган қатта қозонга ташлаб ўлдиртигани сингари ақл бовар қилмас воқеалар халқ орасида норозилик қайфиятини яна да эвж олдириб юборган бўлса ажаб эмас. У пайтларда хон ҳарамга эл оралаб қиз келтирғувчи махсус безатилган аравалар бўлиб, улар «Мўғадақ арава» деб аталган.

1916 йилнинг январ оғи бошида шундай аравада Хўжайлига келганлар қалъа ҳокими Авазхўжага хоннинг аравага икки қиз солиб юбориши тўғрисидаги топшириғини етказишади.

Авазхўжа қалъанинг собиқ ҳокими Муртазохўжанинг ўғли, ўзи ҳам йигирма йиллардан бери қалъани бошқариб келаётган бир одам эди. У ўз туғишанлари Хўжайли муфтиси Ҳасаматдин хўжа ва Махмуд хўжа билан маслаҳатлашиб, хоннинг бу топшириғини бажаришдан бўйин товлайди. Бу қарорга сабаб қилиб халқнинг нотинчлигини, Хўжайлидан яқиндагина хон ҳарамига қизлар олиб кетилгани айтилади. Шундай қилиб «Мўғадақ арава» Хўжайлидан бўш қайтади.

Орадан бир неча кун ўтғач, Юсуф пўрхон деган одамнинг уйида бўлган маърақада шу ҳақда яна гап очилади. Маърақага қалъадан ва қалъа атрофидан қўп одамлар йиғилган эди. Одамлар Авазхўжага хоннинг бу одатини ёмонлайдилар, одиллик сўрайдилар. Шовқин-сурон қўтаришиб, хоннинг тахтдан воз кечишини талаб этишади. Қалъа ҳокими, унинг яқинлари ҳам шу

срда тўпланган оломоннинг талабини қўллаб-қувватлашади. Натижада худди ўша дамда шундай талаб билан Хивага бориш учун Хўжайли ва унинг атрофидан одамларни келгуси пайшанба куни Авазхўжанинг уйи олдига йиғиш ҳақида келишиб олинади. Ўша кунёқ, Хўжайли халқининг бундай қарорга келгани ҳақидаги хабарни хонга етказиш учун қалъанинг йирик бойларидан бўлган Козскбой Соллок Хайитбой ўғли ва Дурдибойлар тарафидан чопар юборилади.

1916 йилнинг 14 январ куни хўжайлиликлар ва қалъа атрофидаги овуллардан ким отлик, ким гиёда, «Оқ калтак», «Қора калтак» бўлишиб Авазхўжанинг уйи олдига тўпланаверади. Зумда уларнинг сони 600 нафардан ошиб кетади. Қалъа ҳокимининг 10-15 навқарини ҳисобга олмаганда уларнинг бари қалъа ва унинг атрофидаги овулларнинг оқсоқоллари, етакчилари, ор-номусини юксак тутган оддий одамлар эди.

Хўжайлидан чиққан одамлар кундулари йўл юриб, кечкурунлари қўналга толиб тунаб, Хевага қарай юришни давом эттираверди. Йўлда уларга Манғит ҳокими Дарғабек, Гурлан ҳокими Худойберганбек бошчилигидаги манғитлик, гурланлик ва шу атрофлардаги майда овулларнинг одамлари қўшилиб, хон олдига талаб билан кетаётганлар сони 3 мингдан ошиб кетади. 18 январ куни уларнинг бари Хева остонасида Отажон тўра деган одамнинг уйи атрофига етиб келгач, ўз талабларини вакиллар орқали хонга жўнатиб, натижасини кута бошлайди. Қўзғолон иштирокчилари хоннинг тахтдан воз кечишини талаб этишган, агар бу талаб адо этилмаса, Хевага бостириб киришларини билдиришган эди. (Бу талабноманинг асл нусхасини Хева хонлари архивидан толиб, ўлкамиз тарихига оид дарсликларга киргизилса, жуда ўринли бўлар эди. (Х.А)

Ўша куни тунда қўзғолончилар олдига хоннинг вакиллари келиб, хон улардан 8 нафарини меҳмон ошига ва музокаралар олиб боришга таклиф этаётганини билдирадилар. Хўжайлилик оқсоқоллар, ёшулликлар ва манғитлик Дарғабек бу таклифни қабул қилиб, Хевага кетади. Аммо бу шунчаки «тузоқ» эди: улар хонни кутиб ўтирган жойларида қўл-оёқлари боғланиб зиндонга ташланадилар.

Бу вақтда хон Хева гарнизони бошлиғи полковник Колосовский билан ҳамкорлик қила бошлаган эди. Бу ярим қуролланган уч минггача қўзғолончиларга хонликнинг кучи етмаганиданми? Гап шундаки, бу сафарга қўзғолончилар хонликнинг суянциғи, юз йиллар давомида Хева хонларини хон қилган, уларнинг гоҳ бош қўтарган туркман уруғларига, гоҳ қорақалпоқларга қарши юришларида синалган, гоҳ руслар билан олишувларда ўзини кўрсатган ҳокимликларнинг уруғлари ва қавмлари одамлари эди. Бу-Хива хонлигининг ўз қўллаб-қувватловчиларидан айрила бошлаганининг, хонликнинг ич-ичидан емирилаётганининг дарағи эди.

Воқеаларнинг кейинги ривожланиши бу фикрни тўла тасдиқлайди. Ўз етакчиларнинг зиндонга ташланганидан хабар топган қўзғолончилар Авазхўжанинг навқарбошиси Абдуқодир юз бошининг қўл остига жамланиб, Хевага ҳужум қилади. Бир неча кун қалъа остонасида жанглр бўлади. Аммо оқибатда қўзғолончилар мағлубиятга учрайдилар ва ҳар қайсиси ҳар тарафга тарқалиб кетишади.

Воқеаларнинг ривожини худди кизиқарли роман воқеаларига менгзади.

Абдуқодир юзбоши бир неча йигитлари билан яширин холда Хивага қиради. Авазхўжа ва шериклари ташланган зиндон яқинидан талай пул ҳисобига бир кампирнинг уйига жойлашади ва ўша уйдан зиндонга қараб ер ости йўли қазий бошлайди. Улар бир неча кун деганда шу йўсинда зиндонга йўл очиб, зиндонбандларни озод этишади ва ўзлари билан олиб кетишади.

Бу вақт кўзғолон иштирокчиларидан бир гуруҳи Тахтага-Жунайдахоннинг олдига арз билан етиб келади.

1914-йилда ёвмут қавми, байрамали уруғи, жунайд тоифасидан бўлган 52 ёшлиқ Курбон Мамет (Мухаммад) Исфандиёрхон тарафидан хонликдаги туркман қавмларнинг сардори этиб тайинланган эди. 1915 йилда у ўзига Жунайдахон деган ном қўяди ва тез орада хонликдаги энг эътиборли, таъсири кучли одамга айланади.

1916 йилнинг 10 февралда Жунайдахон ўзининг бошчилигидаги отлик аскарлари билан Хевага юриш бошлайди ва 14 феврал кuni Хевани эгаллаб, ўзини хон деб эълон қилади. Бироқ Россия подшолиги вакили полковник В.П.Колосовский уни хон деб тан олмайди. Шу боис Жунайдахон Исфандиёрхоннинг умри учун 80 минг сўм товон олгач, Тахтага қайтади.

Хонликдаги халқларнинг осойишталиги бузилган, олдиндан тавсифлай олмайдиган даражада нотинч сиёсий аҳвол юзага келганди. Шунинг учун ҳам подшо ҳукумати хонликка генерал С.А.Галкин бошчилигида жазолаш отрядини юборди. У Хевага етиб келгандан кейин Исфандиёрхон билан биргаликда хонликдаги кўзғолон иштирокчиларини жазолаш ишларини бошлайди. Жазо отряди туркман қавмларига ҳужум қилади. Жунайдахон ўз одамлари билан қумликка қочади. Туркман қавмларига 3,5 миллион сўм товон солинади.

Хон генерал Галкин билан Манғитга келиб, Дарғабекни ва бир неча одамни дорга остиради. Кейинчалик улар Хўжайлига қарай юра бошлайди. Ўша кунлардаги бир воқеани хўжайлиликлар ҳамон хотирлаб юришади. Ўша пайтда Хўжайлида Харракли бой (Арракель Сапаянц) деган улкан бир бой яшаган экан. Жазалош отрядининг қилмишларини эшитган ва уларнинг Хўжайлига келаётганидан хабар топган Харракли бой Авазхўжага Хўжайлидан узоққа, иложи бўлса, чет этга кетишини маслаҳат беради ва бунинг учун зарур маблағ беришини айтиди. Шундай Авазхон бойга миннатдорчилик билдиради ва Хўжайлини, элдошларини ташлаб ҳеч қасерга кетмаслигини, бошга неки кўргулик тушса, шу ерда кўришини билдиради. Авазхўжанинг бу қарори унинг мард, ўз нзига ишониб эргашган одамлари учун масъулиятни зиммасига ола оладиган танти инсон эканлигини кўрсатади.

Хева хони генерал Галкин билан Хўжайлига етиб келиб, кўзғолон ташкilotчиларидан 8 одамни (айрим манбаларда 11 одамни) қальанинг «Кўмир бозор» (ҳозирги пахта тозалаш заводи дарвозаси олдидаги майдонча, илгари «ўт бозор» деб аталган) деган жойида дорга осадди. Улардан бизга Авазхўжа, Махмудхўжа, Ҳасамалдин эшон, Баҳоуддин эшон, Машариф мушрик Худойберган девон, Хўжалапас қози ва Хўжабой деган кишиларгина маълум. (Эхтимол Абдуқодир юзбоши ҳам уларнинг сафида бордир. ) Хўжайли халқига 60 минг сўм товон солинади.



Кексаларнинг айтишига қараганда, дорга осилган қўзғолон иштирокчиларининг мурдаси Халфа Ражаб хонақоҳининг ёнига дафн қилинган. Уша ерда лой билан сўвалган қабрлар ўрни халигача бор. (Шу ерга ва уларнинг дорга осилган жойига кичкина бўлса-да эсдалик ўрнатиб, шаҳид кетган улуг авлодларимизнинг руhini шод этиш ҳақида бир ўйлаб кўрсак, яхши бўлар эди).

Уша йиллари халқимиз оғзида Авазхўжа марсиясига бағишланган кўйидагича қаторлар ҳам юрган:

**Авазжон ўлибди қайга қўяли,  
Хазина хона оғзин ўйоли.  
Қорагина дол бедовни суйоли,  
Орзу-армон билан ўлган Авазжон.**

**Авазжоннинг экиб кетган толлари,  
Қийин бўлди болларининг ҳоллари.  
Бошқага буюрди жийгон моллари,  
Орзу-армон билан ўлган Авазжон.**

Тарихдан маълумки, бу воқеаларнинг охири 1918 йили Исфандиёр хонининг Жунайдохон тарафидан ўлдирилиши ва Хева тахтига унинг сўнгги хони-Сайд Абдуллахоннинг ўгириши билан яқунланади.

### **АВАЗХУЖА ЁДИ**

*1986 йил Хўжайли қўзғолонининг 70 йиллигига бағишланган*

Сен ўтказган толлар қуриб йўқолди,  
Юртингни бехортлар эгаллаб олди.  
Замонлар ўзгарди, золимлар қолди.  
Энди келсанг нетар, Авазжон бобо,  
Сен келсанг ёв кетар, Авазжон бобо.

Юртим, деб нолалар чеккан болангнинг,  
Имон уруғини эккан болангнинг,  
Илон уясига теккан болангнинг,  
Бошида бор хатар, Авазжон бобо.  
Бошингни бир кўтар, Авазжон бобо.

Ҳақнинг кадри йўқдир бу кун элатда,  
Улусин сотганлар айшу-ишратда.  
Ғариб кўнгли ярим ғаму-ғурбатдан,  
Рушноликсиз ўтар, Авазжон бобо.  
Дардин ичига ютар, Авазжон бобо.

«Мўтадак» арвалар ҳали тинмади,  
Золимларнинг бели ҳали синмади,

Бир одил уфлонинг тахтга минмади,  
Халқинг сени кутар. Авазжон бобо,  
Иулинга кўз тутар. Авазжон бобо.

Бошингни бир кутар, Авазжон бобо,  
Сен келсанг ёв кетар. Авазжон бобо.

## ХҲЖАЙЛИ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА

Хўжайли (Антакия, Миздакхон) ҳақидаги энг қадимги маълумотлар эра-  
миздан аввалги учинчи асрга тегишли, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбек совет  
энциклопедиясидаги Антакия, Антиох, Салавкийлар сингари мақолаларда  
дастлабки вақили эраимиздан аввалги 280 йилда тахтга ўтирган, охиргиси эра-  
миздан аввалги 64 йили подшолик қилган Салавкий Антиохлар (улар Анти-  
ох, Антиох II, Антиох III сингари саналиб кетган) даврида уларнинг номла-  
ри билан боғлиқ бир қанча қалъалар ва бошқа йирик қурилишларнинг  
пайдо бўлгани айтилади. Масалан, Туркиядаги, Эрондаги, Арманистонданги  
Антиохия қалъалари Мари яқинидаги узунлиги 300 километрлик қўрғон  
девори сингари. Хўжайли ёнидаги Антиохия қалъаси ҳам дастлаб ўша давр  
оралиғида Салавкий мамлакатининг чегара қисми сифатида пайдо бўлган,  
деб айтишига тўла асосимиз бор.

Антакия, кейинчалик Миздакхон аталиб, ўрта асрларда у Хоразм мамлақати-  
нинг энг йирик қалъаларидан бўлган. 709 йилда Хоразмшоҳ Чоғоннинг иниси  
Хурозднинг ўзига тан бир қанча одамлари билан Миздакхон қалъасини макон  
тўтиб, яшагани, подшолик даъво қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор. (қаранг.  
«Истории Хорезма с древнейших времен до наших дней». Ташкент. «Фан». 1976).  
Шунингдек, X аср тарихчиси ас Истахрийдининг «Миздакхон қалъаси Урганч-  
дан икки фарсах ерда жойлашган («бир фарсах 6-8 километр), араб олими Мак-  
дисий X асрнинг иккинчи ярмида «Миздакхон қалъаси атрофида 12 минг қўрғон  
бўлган» деган маълумотлари қўпчилик илмий мақолаларда учрайди. 1981 йили  
Тошкентдаги «Ўзбекистон» нашриётида босилиб чиққан «Сайёҳ олимлар» кит-  
обида X асрларда Амударёдан Сарикамиш тарафига оққан дарёнинг «Мазду-  
баст» деб аталгани ҳақидаги маълумотлар Беруний асарларида мавжудлиги ай-  
тилади. Нуқуслик олим Г. Хўжаниёзов ва бошқаларнинг ёзишича 1349 йили, яъни  
Олтин Ўрда даврида тузилган бир хабарномада Миздакхон қалъаси атаб утилган.  
Тилатқа қарши Миздакхоннинг бундан кейинги деярлик уч асрлик тарихи ҳақида  
ёзма манбаларда ҳеч маълумот учрамайди. Фақат XVII асрнинг ўрталарига ке-  
либ, Хоразм подшоси Абўлғози Баҳодирхон «Миздакхондан Боқирғонгача ту-  
таш Қўйғин деган ергача буғдой экиладиган эди... Отлик одам ўн кунда буғдой-  
нинг сиртидан айланиб кела олмасди», -деб ёзди (қаранг: «Шажаראи турк. Тош-  
кент. «Чулпон» нашриёти 1992 йил)

Рус олими А. Некрасовнинг «Записки коллегии востоковедов при Сред-  
неазиатском музее Академии наук СССР» тўпламида (Ленинград 1930 йил.  
583-588 бетлар) ёритилган материаллар Миздумхон Сулув мажмуасига, энцик-  
лопедиядаги кабртошлардаги ёзувларга тегишлидир. Ундаги ёзувлардан ай-  
римларини намуна сифатида келтирамиз.

Қайғу-ғам, шодлик ҳам қолмас,  
 Байрам ҳам, аза ҳам қолмайди,  
 Қолмас най ҳам, шароб ҳам,  
 Дўст ҳам, якининг ҳам бўлмайди,  
 Дард ҳам, даво ҳам йўқ бўлар,  
 Роҳат ҳам қолмас танангда  
 Ажал соатининг занжирларидан  
 Ҳеч ким қутқара олмайди.  
 Бу икки учи бириккан халқа,  
 Яна:  
 Менинг ахволимга қара,  
 Назаф ташла менга, кўзинг тегмасин.  
 Қул бўлган танамни кўрган чоғингда  
 Бир фотиҳа ўқи:  
 Умр гўзал, аттанг, у мангу эмас.

Хўжайли қалъаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар эса 1740 йилга тегишли. Бу ҳақда рус армиясининг поручиги Дмитрий Гладишев ва геодезист Иван Муравинларнинг кўрсатмасини 1988 йилда Тошкентдаги «Фан» нашриётида босилиб чиққан «История Узбекистана в источниках» тўпламида кўриш мумкин.

XIX асрнинг бошларидаги қалъа ҳаётига оид кўпгина маълумотлар бор. Руслардан Г.И. Даниловский, Н.Игнатъев, М.Галькин, А.В. Каулбарсларнинг маълумотлари эса XIX асрнинг ўрталарига тегишлидир.

Ўша йиллари Хўжайлида бўлган этнограф олим, тарихчи Александр Кун «Хўжайли қалъаси Суванли каналининг бўйида жойлашган, қалъанинг бунёдга келишида Суванлининг роли улкан. Хўжайли боғ-роғлар билан ўралган. Бу ердан йил сайин 200 қайик балиқ сотиш учун Бухоро амирлигига жўнатиб турилган» деб ёзди.

XIX асрдаги Хўжайли тарихига оид материаллар, айниқса, Хоразм тарихчилари Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул иқбол», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» китобларида кўп учрайди.

1863 йилда таникли венгер олими Арманий Вамбери Хўжайлида бўлган. Ҳатто, у ўзи билан Венгрияга бирга олиб кетган қўнғиротлик мулла Исоқ билан илк марта Хўжайлида учрашган, деган тахминлар ҳам бор. Вамбери Хоразм, шу жумладан, ороликлар турмуши хусусида ҳар тарафлама бой маълумотларни тўплаб келажак авлодларга қолдирган таникли саёҳатчи ҳисобланади.

Рус рассоми А.Н. Карзин 1874 йилда Хўжайлида бўлганида, уни «Амударё бўйидаги Венеция» деб атаган, қалъамизнинг ўша давридаги кўринишини тасвирлаган суратини «Хўжайли бозори» номи билан 1886 йилда «Нива» журналида эълон қилган. Бир тарафдан бу биз учун фахрлангулик, албатта. Сабабким, хўжайлиликларнинг нафақат Суванли ёпдан, балким, шаҳар ичида унга туташадиган қатор бошқа кичикроқ ёплардан шаҳар ичида алоқа воситаси сифатида фойдаланганликлари, яъни, кичик қўйик ва соллар улар

учун асосий транспорт вазифасини ўтаганлари маълум бўлмоқда. Суанлидан Буйрачи, Ипакчи, Жадигар қозғон, Баҳайбек, Қўлоб, Қайрангли сингари ёплар сув олиб, уларнинг айримлари кўча вазифасини ўтаган. Иккинчи тарафдан эса рассом тарафидан берилган баҳо ва суратнинг эълон қилинишидан кўзланган асосий мақсад Россия фуқароларида янги ерларни ўзлаштириш учун кўчиб келишга иштиёқ уйғотишга, шгу билан Россиянинг чегараларини кенгайтиришга ва мустақамлашга хизмат қилдиришга қаратилган сиёсий ўйин бўлганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

1908 йилда Хўжайлига йирик тарихчи олимлардан бири, академик Смойлович келгани ва қалъа бозоридан 2 дона қўлэзма китоб ва 2 дона пичоқ сотиб олгани хақида аниқ маълумотлар бор.

О.Жалиловнинг 1987 йили «Фан» нашриётида босилиб чиққан «XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар» китобида XIX асрнинг охири, XX аср бошларидаги Хўжайли ҳокимларидан Муртазо-хўжа ва Авазхўжаларнинг номи тилга олинган. Шу ўринда Хўжайлида оёқ излари қолган яна бир машҳур одамни эслаш ўринлидир.

1926 йилда Ўзбекистоннинг ўша даврдаги ҳукумати қарори билан икки кишига «Халқ ёзувчиси» деган юксак унвон берилди. Улар Ўзбекистонда ана шундай юксак унвонга эришганларнинг дастлабкилари эди. Улардан бирининг, яъни Ҳамза ҳаётининг Хўжайли билан боғлиқлик жиҳатлари кенг жамоатчилигимизга аввалдан маълум. Иккинчиси эса шоир Муҳаммадшариф Сўфизода хақида авваллари қўп гапирилмаган. Асли фарғоналик бу киши, 1919 йили Афғонистоннинг элчиси сифатида Москвага борган, кейинчалик туғилиб ўсган юртига қайтган ва репрессияга учраган эди. Эшитмаган элда қўп, деганларидай шу Муҳаммадшариф Сўфизода бир пайтлар Хўжайлида бўлган экан. Олим К.Бойниёзов ўзининг «Тонг юлдузлари» китобида Ўроз Эрмоновнинг 1910 йилда Хўжайлида Сўфизода билан учрашгани хақида ёзди.

Хўжайли Хўжайли бўлгандан бери қандай воқеаларни бошидан кечирмаган, унга қимлар келиб-кетмаган дейсиз?

Юқорида фақатгина биз айримларининг номларини келтириб ўтдик. Қалъамиз тарихининг бой эканлигига, унинг улкан илмий изланишларга муносиблигига эса шубҳа йўқ. Бизнинг мақсадимиз эса севимли қалъамизнинг биздан аввал ҳам бор бўлганлигини, биздан сўнг ҳам мангу бўлишини яна бир бор эслатиш эди. Олдимизга қўйган вазифамизни қай даражада адо этдик? Буни баҳолаш сизга ҳавола, азиз ўқувчилар.

## МЕНИНГ АФАНДИ ҲАМЮРТЛАРИМ

Ўн иккита тўронғил ўсган жойни  
Тўқай, дейдилар  
Менинг афанди ҳамюртларим.

Эни юз қулочлик суви айниган зовурни  
Тубо қули, деб аташди  
Менинг афанди ҳамюртларим.

Баландлиги саксон кулочдан ортмайдиган  
Чоқиртошли тепаликни  
«Антакия тоғи» дейдилар  
Саполнинг бир бўлак  
синик парчасини пеш қилиб  
қўхна тарихдан  
лоф урмоқчи бўладилар  
Менинг афанди юртдошларим.

Орол-бу денгиз,  
Оддийдан ҳам оддий захкаш,  
давлат чегараси  
Сақиз сигирнинг  
қорни тўймайдиган ўтлоқ,  
Яйлов бўлиб кўринади  
Менинг афанди юртдошларимга.

Ва, ҳатто...  
Ва, ҳатто, сўнги  
йигирма йил мобайнида  
хаминкадар сой сувини  
бера олмаётган Амунни ҳам  
Ва, ҳатто мана шу  
бутун йил давомида  
шиша идишдаги  
шиша балиқдек  
ичида барини  
намоён қилиб турган  
Жулдур-жулдур  
тасмани ҳам,  
Дарё дейдилар-а  
Менинг афанди ҳамюртларим.

Бинобарин,  
кўча бошида  
текин улашилаётган ёнғоқ ҳақда  
ўзи тўкиган ўтрикка  
ўзи ишонган афандидек  
шуларнинг барига  
ишон-и-иб яшаб келмоқдалар.  
Менинг афанди юртдошларим.

## МАҲАЛЛИЙ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР ЖҶМАРД ҚАССОБ

Эски замонларда Жўмард исмли бир қассоб яшаб, ҳисобсиз молу-дунёга эга бўлган экан. Шу билан бирга у ўз саҳийлиги, қўли очиклиги билан бутун теварак-атрофга донг таратган. Унинг яхши одатларидан бири шу бўлганки, у ўз олдига бирор муҳтожлик билан келган одамнинг қўлини сира қурик қайтармас, муҳтожнинг ҳожатини чиқариш билан баробар унга яна қўшимча совға-саломлар бериб юборар экан.

Йиллар ўтибди. Жўмард қассоб ҳожатини чиқарган, ундан қарздор бўлганларнинг сони беадад бўлибди. Бу пайтларга келиб анча қариб қолган бой, олган қарзларини қайтиб олиб келганларни «энди менинг охиратим яқинлаб қолди, молу-дунёга ҳожатим йўқ, бу пулларни ўзингнинг бошқа бирор заруриятингга ишлат, агар менинг рози бўлмағимни истасанг, мен қазо топганимда қабрим бошида бир фотиҳа ўқиб, гўримга бир сиқим тупроқ ташла» деб қайтариб юбора бошлабди.

Қун келиб Жўмард қассоб вафот қилганида, бутун қабристонни узоқ-яқиндан бу хабарни эшитиб келган, ўзларини унинг олдида қарздор, деб ҳисоблайдиган одамлар босиб кетибдилар. Улар ваъдаларига вафо қилишиб, Жўмард қассоб қабри бошида дуо тиловатлар ўқиб, ҳар бири қабр устига бир қисимдан тупроқ ташлашибди. Ҳозирги «Жўмард қассоб» деб аталувчи баландлиги 15 метрларча чоғлик тепалик ана шу одамларнинг ҳар бирининг бир сиқимдан қабр тепасига ташлаган тупроқидан пайдо бўлган экан.

## ШАМУН НАБИ

Қадим замонларда, дини исломни ёймоқни, қофирларга қарши курашмоқни жаҳд айлаган Шамун исмли мусулмон пайғамбари «Қўҳи Антакия»ни, яъни Антакия тоғини ўзига қароргоҳ қилиб танлаган экан.

Антакия телалиги ёнидаги «шаҳри Антакия», яъни ҳозирги Говур қаъла у пайтларда бир қалмоқ шаҳзадаси яшайдиган жой экан.

Қунларнинг бирида Шамун наби ўз мулкани айланиб юриб, қўҳи Антакия ва шаҳри Антакия орасида бир лаҳм йўл қазилганлигини сезиб қолибди. Маълум бўлишича, бу ер ости йўли қалмоқ шаҳзадасининг Шамун наби хотини билан учрашиб туришлари учун хизмат қиларкан.

Ушбу сирдан огоҳ бўлган Шамун наби хотинига ўзини сафарга чиқмоқчи бўлгандек кўрсатибди ва хотини унинг бир муддатга уйдан кетганлигига ишонч ҳосил қилганлигига амин бўлган, қайтиб келиб панароқ жойда воқеалар ривожини кузатиб турибди.

Бу орада хотин хат ташувчи қабутар орқали қалмоқ шаҳзадасига эрининг сафарга кетганлигини хабар қилибди ва шаҳзода лаҳм йўл орқали хотин ҳузурига етиб келибди.

Шу асно Шамун наби пана жойдан чиқиб келибди ва у билан қалмоқ шаҳзадаси орасида жанг бошланибди.

Шамун наби ниҳоятда йирик, баҳодир одам бўлган экан. Қалмоқ шаҳзадаси ҳам ҳарб санъатининг ҳадисини олган, ниҳоятда чапдаст жангчи экан.

Жанг узок давом қилибди. Олишаётганларнинг ҳеч бирови яққол устун бўла олмабди. Бир пайтда эса жангни кузатиб турган хотин ичкаридан бир зоғам тарик олиб чиқиб тўғри Шамун наби оёқлари остига сочиб юборибди. Шамун наби оёқлари дондан тойиб, ўзи «оҳ» дегунча йиқилиб тушибди. Бундан фойдаланган қалмоқ Шамун набининг бир оёғини қилич билан узиб олибди. У ўз муваффақиятини мустаҳкамламоқчи, Шамун набининг бўйнига қилич солмоқчи экан, бироқ, баҳодирнинг содик ити қалмоқ қиличи остига ўзини ташлаб эгасининг ўлдирилишига йўл қўймабди. Бу орада бўй тиклаб олган Шамун наби қилич зарби билан қалмоқ шахзодаси қалласини узиб ташлабди. Пировардида маккор хотин ҳам жазога тортилибди. Айтишларича, «Хотин-жафо, ит-вафо» деган гап Шамун набидан қолган экан.

## МАЗЛУМ ХОН СУЛУВ

Айтишларича, бир хоннинг Мазлумхон сулув исмли воят гўзал кизи бўлган экан. Қиз балоғатга етгач, унга турли ёқлардан совчилар келиши кўпайибди. Шунда хон жарчилар орқали агар кимда-ким кизига атаб ёзда салқин, қишда иссиқ бўладиган бир сарой курса, шу одамни куёв қилишини билдирибди. Шарт шундайки, бу саройда ҳавонинг ҳар доим тоза бўлиши таъминланиши, ёзда деразаларни очилиб шамоллатмаслиги, қишда эса ўтин ёқиб иситилмаслиги керак экан.

Қиз қўлидан умидвор бўлганларнинг кўплари шартни бажариб бўлмаслигини айтиб, бу ишдан воз кечишибди. Шунда бир ёш йигит ўртага чиқиб, хоннинг шартини бажариш унинг қўлидан келишини билдирибди ва иморат учун ўринни Антакия тепалигининг энг баланд жойидан танлаб, қуришни бошлабди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, сарой қурилиши тугалланганлигини хабар топиб, уни томоша қилишга келганлар маҳобатли қаср ўрнида бир одам бўйи келадиган эшик пештоқларини, бўйи ундан ҳам пастроқ бўлган гўмбаз тепаларини кўришиб, ҳайрон бўлибдилар. Шунда йигит иморатни кўришга келганларни эшик орқали тушадиган зинапоядан пастга қарай бошлабди. Гап шундайки, иморатнинг икки-уч одам бўйи келадиган асосий қисми ер остига жойлашган экан. Саройнинг ер ости қисми ниҳоятда кенг ва улғворлигини, ҳавосининг муътадиллигини, кошнларнинг сержиллолигини, катта-кичик гўмбазларнинг тўйнуқларидан тушиб турган офтоб нурларининг жилвакор товланиб, бинонинг барча жойларига ёруғлик бахш қилиб турганлигини кўрган барча йигитнинг ақлу-заковатига талбиркорлигига таҳсинлар ўқибдилар.

Саройнинг асосий қисми ер остига жойлаштирилганлиги унинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишини таъминлар экан. Бинода деразалар йўқ бўлиб, унинг ичкарисига ёруғлик тушиши ва ҳаво алмашиниши гўмбазлар тепасида қолдирилган махсус тешиклар орқали бўларкан.

Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси шартнинг бажарилганлигига қайил бўлибдилар. Хон ҳам шунга розилик бериб, туй қунини белгилашибди.

Лекин, бу орада бахтсизлик рўй бериб, хоннинг кизи тузалмас бир касалликка чалиниб, вафот қилибди. Бутун элу-халқ азага чўмиб хон кизини унга

аталиб қурилган ушбу сарой ичига дафн қилишибди. Қиз қабрига ҳар хил гуллар ва фалсафий битиклар ўйиб туширилган тоштахта ўрнатилибди. Шу пайтлардан бошлаб, бу сарой «Қизнинг уйи» деб аталиб, боқира қиз қабри одамларнинг зиёрат қиладиган қадамжоларидан бирига айланибди.

Орзуси ушалмаган йигит эса кўпинча саройнинг энг катта гумбази устида ўтириб тиловатлар ўқир, гумбаз туйнугидан кўриниб турадиган қиз қабрига қарай нолалар чекаркан. Қунлардан бирида у гумбаз тешигидан ўзини пастга ташлаб, қизнинг қабри ёнида вафот қилибди. Йигитнинг жасадини ҳам сарой ичига дафн қилибдилар.

## УЗОҚ АЖДОДИМГА

Сени танияпман саҳройи қардош,  
Эллик йил булганди билдинг Аллони,  
Тарихни сўрмакка қилмадинг бардош,  
Бирдан «кофир» дединг эски қалъани.

Аждодларинг қолиб, сенинг кўнлинг тук,  
Қондошинг бу ернинг хўжа-альями,  
Узумин емак бор, боғни кўрмоқ йўк,  
Бирдан «кофир» дединг ушбу қалъани.

Бу ерни Хурозод айлаган макон,  
Муаррих Максидий таърифлар ани,  
Саҳрога юз тугган диндор Миздақхон,  
Нега «кофир» дейсан шундай қалъани?

Беруний кофирмиди, Шабибий кофир?  
Мақруҳми Масихийнинг босган қадами,  
Шамунабий қабри қилмасми зухур?!  
Нега «кофир» дединг менинг қалъамни?

Бобомнинг юртини домига илган,  
Жўжи ўз йўлига, лек, сен алашим,  
Ҳам қондош, ҳам тилдош, ҳам диндош бўлган,  
Сен «кофир» атадинг шахид қалъамни.

## «ОҚ СУЯК»ЛАР КИМ?

Бизда сайд, тўра, хўжаларни «оқсуяк» деб аташади. Нима учун? Наҳотки, инсон суяги ранги авлод-аждодига қараб фарқланса? Наҳотки, минг йиллик суяк тўсига қараб, унинг шохми ё гадо ўтганлигини ажратиш мумкин бўлса? Бу саволлар мени кўп ўйлантирди. Ниҳоят, бу борада айрим фикрларни ўртага ташламоқ фурсати келди.



Биз Муҳаммад пайгамбар авлодларини «саид», Чингизхондан сўнги хонлар авлодини «тўра» деймиз. Хўжалар кимнинг авлоди эканлиги-ю, уларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар мавжудким, куйида ушбу масала юзасидан ўз таҳминларимизни баён қиламиз.

Авваламбор, «хўжа» каломи ҳақида. XIV аср бошларида яшаган эронлик тарихчи Рашид ад-Дин «хўжа» сўзи форсий эмас, арабий эмас, туркийдир» деб ёзади. Қадимги туркий «Ўғизнома» дostonидаги Иркил хўжани, «Шажараи турк»да келтирилган Чингиз хоннинг ўзидан олдинги ўн учинчи авлодининг исми Менгли хўжахон бўлганлигини ёдга олсак, ҳақиқатдан ҳам «хўжа» лафзининг туркийлигига ишонинг келади. Бу маълумотлар айрим хўжаларнинг «биз араблар авлодимиз» деган таъкидларига унчалик тўғри келмайди.

Нима бўлганда ҳам, «оксуяк» тушунчасининг саид ёки тўраларга нисбатан айнан хўжаларга кўпроқ тааллуки жиҳатлари ҳақида мулоҳазаларимиз бор.

Ҳеч эътибор берганмисиз тилимизда «суяк» сўзига боғланишли удум ва маталларнинг кўплигига? «Суяги тоза», «суяк қувган», «эти сизники, суяги бизники», «суяк эгаси» деймиз. «Султон суягини хўрламас» деган гап бор. Майитни қабристонга қўйиб келганларга нисбатан «суякчилар» иборасини ишлатамиз. Ваҳолан, юқоридаги мисолларнинг барчасига ҳам «суяк» сўзи ўзининг асл маъносидан кенгрок, юқорирак бир мазмун касб қилганки, бу маъно-мазмунларнинг келиб чиқиши узок даврларга бориб такалади.

Тибет ламавийлигида ҳам, зардушт дини дафн маросимларида ҳам одам ўлганида майитни этни суягидан ажратиш удуми мавжуд. Фарқи шундаки, ламавийликда суяк ёкиб юборилади, зардуштийликда эса инсон суяклари маҳсус тош идишларга-ассуарийларга-териблиб дафн қилинган. Бир пайтлар «Зардуштий оламнинг шимол нуқтаси» бўлган бизнинг Хўжайли ёқинидаги ҳозирги Маълумхон Сулув қабристони теғрасидан ҳам кўплаб ана шундай тошбутлар топилган бўлиб, уларнинг бир катори Нуқус ўлкашунослик музейида сақланмоқда.

Зардушт динида марҳум жасади аҳоли яшайдиган жойдан биров чеккарокка, одатта маҳсус ўринларга эга бўлган тепарок жойга олиб борилиб, маълум муддат очик ҳолда ташлаб қўйилган. Орадан вақт ўтиб шу ердаги ўргатилган қузғун ва итлар томонидан жасаднинг ети еб битирилгач, марҳум эгалари ёхуд улар томонидан вакил қилинган бир ғруҳ одамлар жасад суякларини тошбутларга териб солишиб, дафн маросимини ўтказишган. (Мана, нима учун бизда жанозадан сўнг ўликни кўмиб келганларни «суякчилар» дейишади.)

Зардуштийлар жасад суякларининг этдан янши тозаланишига катта эътибор билан қарашган. Улар марҳум руҳининг нариги дунёда эришадиган хузур-ҳоловат ва имтиёзи унинг суякларининг тозаллиги даражасига боғлиқ, деб билишган. Ва бу натижага эришмоқ учун айрим сармосадор зардуштийлар умумий, яъни жамоат қабристонидан ажратилган жойларда марҳумларнинг этини суягидан ажратишга ўргатилган зотдор ит ва қўшларни асраб келганлар. Бундай жойларда «ишлов»дан ўтган суякларнинг ўзи-ўзидан жамоат жойлардаги суякларга ғайри ўларок, тоза ҳам оқ тусли (яъни, суякга ёпишиб, қорайиб турадиган этдан ҳоли) бўлиши кундек равшан. Бу ҳол, фикримизча биринчидан, нима учун одамларнинг «оксуяк» ва «қора суяк» тоифаларга ажратилиши, қолтаверса, хўжалар сонининг ўзга аслзодалардан бўлган

саид ва тўраларга нисбатан бир неча ўн баровар кўп эканлигини асослаб беради. «Хўжа» сўзининг иккинчи маъноси бўлган «эга» (яъни, жамоадан айри ҳолда махсус ит ва қушларга эга бўлган тоифа одами) тушунчаси ушбу удум ва анъаналар инъикоси сифатида сақланиб қолган бўлса ажаб эмас.

Назаримизда, араблар келган даврларда улар хўжа тоифасидагиларни шу жойлардаги имтиёзли табақа вакиллари сифатида тан олишган ва бир оз муддат ўтиб хўжаларга нисбатан қўлланиб келган «оксуяк» калимаси саид ва тўраларга нисбатан ҳам ишлатила бошлаган.

## МИЗДАКХОН

Тўнтарилган косага ўхшайди, Миздакхон,  
Бир косаки,  
питра ўқ еган қуён терисидек илма-тешиқ.  
Изи учган қарвондан  
тушиб қолган соночки ўхшайди Миздакхон.  
Бир соночки,  
ичи лом-лим муздеқ сув.

Узоқдан ҳайбатли яқиндан муъжаз  
кўринади Миздакхон.  
Дор ихтиёрини қилган  
Шох Машрабдек,  
бир хокисор,  
бир мағрур...

Асли ранги оқ-сарик Миздакхоннинг  
Ўмғир ёғса қорайади,  
Қуёш чикса қизаради-  
Ва, йил бўйи,  
туслана беради,  
товлана беради,  
кора ҳамда кизил  
ранглар оралиғида.

Йигирма юз йилдирки,  
Тангри инояти ила  
шу ер менинг Ватаним.  
Ва, Аллоҳ хоҳласа ўлмагим бар, ҳали бу ерда.

## ЭЛИМ

Юкингни кўтарсам, бўз норинг бўлсам,  
Чарчаган пайтингда мадоринг бўлсам,  
Майлига, эзилиб кетсам-агарда—  
Дардинг шифо топган, ҳал доринг бўлсам.

## МУНДАРИЖА

Тарих—тақдиримиздир .....	3
Хотира .....	5
Юрт ишида бир тўртлик .....	6
Хўжайли ўтмишидаги «Ок доғлар» .....	6
Тор кўчада биров яшар .....	8
Хўжайли неча ёшда? .....	8
Қадим ва келажак .....	11
«Хўжа эли» атамаси хақида .....	11
Шу йиллари Хўжайлида .....	12
Эски Хўжайли овуллари .....	12
Хўжайлининг кизлари .....	14
Тарихий атамаларимизнинг келиб чиқишига бир назар .....	14
Қўқонлик танишимга жавоб .....	20
Хўжайли кўзюлони .....	22
Авзхўжа ёди .....	25
Хўжайли тарихий манбаларда .....	26
Менинг Афанди ҳамюртларим .....	29
Маҳаллий афсона ва ривоятлар .....	30
Узоқ аждодимга .....	32
«Ок суяк»лар ким? .....	32
Мишдакхон .....	34
Элим .....	34

ҲАЙИТБОЙ АБДУСОДИК

**Аслим, АСЛИМ  
ХЎЖА ЭЛИ**

*Ўзбек тилида  
«Қарақалпақстан» нашриёти  
Нукус — 2005*

Бош муҳаррир  
Муҳаррир  
Художниги

Ж. Избасканов  
Г. Пирназарова  
И. Кидиров

Теришга берилган вақти 15.12.2004. Босишга рухсат этилди  
10.01.2005. Қоғоз формати 60x84 1/16. Офсет усулида босилди.  
Гарнитурасы — «Times». Ҳажми 2,25 б/т, 2,1 ҳисоб б/т. 2,09 шартли  
б/т. Жами 5000 нусхада. Буюртма №52. Нархи шартнома асосида

«Қарақалпақстан» нашриёти: 742000, Нукус шаҳри,  
Қорақалпоғистон қўчаси, 9

Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва Ахборот  
агентлиги Нукус полиграфкомбинати. 742000,  
Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон қўчаси, 9